

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**Травматология, ортопедия ва нейрохирургия ва  
нейрожарроҳлик кафедраси**

**Травматология ва ортопедия фанида  
амалий машғулот жараёнига янгича  
ёндошиш**  
(Ўқув қўлланма)

**Андижон – 2022 йил**

# O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi  
Andijon davlat tibbiyot instituti rektorining 2022 yil "1" dekabrdagi  
"760-Sh"-sonli buyrug'iiga asosan

Ж.Тухтаев

(muallifning faniyasi, ismi-sharifi)

Даволаш иши-5510100

(ta'lim yo'nalishi (matrakhishligi))

talabalari (o'quvchilar) uchun tavsiya etilgan. ning

*Травматология ва ортопедия фанидан амалий  
машгулом жисараёнига янгича ёндошиши  
nomli o'quv qo'llanmasi*

(o'quv adabiyyotining nomi va tartib davri, o'quv qo'llanma)

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan  
litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat berildi.

Rektor

(imzo)

M.M. Madazimov

Ro'yhatga olish raqami:



100088



Мазкур ўкув қўлланма 5510100 – даволаш иши ўкув дастури (12.09.2019 йил №231-сонли) ва ўкув режаси ( 02.10.2018йил ) асосида тайёрланди.

**Тузувчиilar:**

Ж.Т.Тўхтаев

АДТИ Травматология, ортопедия, нейрожарроҳлик кафедраси доценти т.ф.н.

**Тақризчилар:**

П.Ў.Ўринбоев

Самарқанд Давлат Тиббиёт университети травматология, ортопедия, нейрожарроҳлик профессори т.ф.д.

Қ.А.Қўлдашев

АДТИ болалар травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик кафедраси мудири, т.ф.н., доцент

Ўкув қўлланма Андижон Давлат тиббиёт институти Илмий кенгашининг тавсияси билан институт ректорининг 2022 йил “1” декабрдаги даги “760-Sh” -сон буйруғи билан нашрга рухсат қилинган.

## МУНДАРИЖА

<b>№</b>	<b>Мазунинг номи</b>	<b>бетлар</b>
<b>I.КИРИШ.</b>		
<b>1.1</b>	Мавзунинг долзарблиги	<b>4</b>
<b>1.2</b>	Травматология ортопедия фанини ўқитишнинг назарий асослари	<b>10</b>
<b>1.3</b>	Фанни ўқитишни мақсад ва вазифалари	<b>12</b>
<b>1.4</b>	Ўқув жараёнининг йўл ҳаритаси ва умумлаштириш мезонлари	<b>15</b>
<b>II.АСОСИЙ ҚИСМ</b>		
<b>2.1</b>	Амалий машғулотлар жараёнига янгича ёндошиш	<b>31</b>
<b>2.2</b>	Амалий машғулотларда замонавий интерфаол педагогик технологиялар.	<b>37</b>
<b>III. ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАТИЖАСИНИ ОБЪЕКТИВЛАШТИРУВЧИ ТАМОЙИЛЛАР.</b>		
<b>3.1</b>	«Кейс-стади» вазиятлари	<b>68</b>
<b>3.2</b>	Тест топшириқлари	<b>78</b>
<b>3.3</b>	Амалий кўникмалар.	<b>103</b>
<b>3.4</b>	Назорат саволлари	<b>105</b>
<b>3.5</b>	Касаллик тарихи намунаси.	<b>107</b>
<b>IV. ХУЛОСА</b>		<b>111</b>
<b>V. АДАБИЁТЛАР</b>		<b>113</b>
<b>VI. ИЛОВА</b>		<b>116</b>
<b>6.1.</b>	<b>Амалий куникумалар тасвири</b>	<b>11</b>

## I.Кириш

**I.1. Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларига мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдани қайта чиқиш, ҳалқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Қабул қилинган қарорга кўра, қуидагилар олий таълим тизмини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

ҳар бир олий таълим муассасси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий таълим муассасалари билан яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига ҳалқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув методик материалларни қенг жорий этиш, илмий-педагогик жараёнига юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш;

олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига қенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатидан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш;

олий таълим муассасалариниг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интерграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самардорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғуллнишга жалб этиш;

Олий таълимнинг маънавий-ахлокий мазмунини кучайтириш, талабала-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, ҳалқимизнинг юксак маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатмизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча худудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йулидаги яна бир муҳим амалий қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилда эълон қилинган ПФ-60 Фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида олий таълим тизимини ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш каби улкан вазифалар белгиланган.

Жумладан: 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасини QS ва THE ҳалқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш.

- кўрсатлаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадда республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш;
- марказлашган лаборатория, стерилизация ва юқори технологик текширувлар тизимини ташкил этиш;
- соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш;
- аҳолини тиббий суғурталаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш;
- тиббий-санитария хизматининг жозибадорлигини ошириш ва соҳани малкали кадрлар билан таъминлаш.

Бу каби улкан вазифаларни амалга ошириш кадрлар тайёрлашга бўлган талабларни кучайтириш ва рақобатбардошлигини оширишни талаб қиласди.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришдир. Шу сабабли бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ҳалқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳозирги куннинг устувор йўналишлари, деб белгилаб берилди.

Мамлакатимизни 2022-2026 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларига кўра соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, унинг асосий йўналиши эса тиббиётни бирламчи бўғинини модернизация қилишdir. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш етакчи бўғини бўлиб, бирламчи тиббий санитар ёрдами ҳисобланади. Минтақамизда Травматология ва ортопедиянинг асоратлари камаймаётгани ҳам чуқур изланишларни ва кенг профилактик тадбирларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Албатта, Республикамиз Травматология ва ортопедиясини ривожлантиришда тиббиёт

институтлари кафедралари қўшган ҳисса салмоқли бўлиши билан бирга ўзечимиға мунтазир бўлган масалалар жуда қўп.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда жамият ва беморлар олдида шифокорларнинг маъсулияtlари жиддий ошганлигини эътироф этиш керак. Ўз навбатида бу олий тиббий муассасалари томонидан мутахассисларни сифатли тайёрлаш маъсулиятини оширади. Ёш мутахассис олийгоҳни битириш вақтига келиб ҳар бир клиник ҳодиса бўйича мустақил қарор қабул қила олиши, тўлиқ ҳажмда касбий мажбуриятларини бажара олиши, аҳолини саломатлигини юксалтириши, замон талабига мос кадр бўлиши, хориж тажрибаларидан қолишмайдиган диагностик ва даволаш усулларини қўллаши зарур.

Тиббиётнинг бир соҳаси ҳисобланган хирургия йўналиши талabalарда клиник фикрлаш қобилиятини шакллантиришда асосий роль ўйнаб келган ва ҳозиргача ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Клиник фикрлашни шакллантириш учун унинг асосий принциплари ҳисобланган "бемор тўшаги олдида" таълим беришга риоя қилмасдан иложи йўқ. Травматология ва ортопедия фанини ўқитишининг асосий мақсади ҳам талabalарда клиник фикрлашни шакллантириш, бу эса тингловчилар томонидан травматологик касалликларнинг асосий бўлимлари бўйича диагностик, даволаш усулларни тўғри қўллашларни қабул қилиш тушунилади. Бу қобилияtlарни мустаҳкамлаш ва ривожлантiriш амалиёт ўқитувчиси талabalарни ўқитиши жараёнида олиб борилади.

Олий тиббий таълимни модернизация қилиш жараёнида компетент мутахассисларни тайёрлаш инновацион тиббий таълимнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Мутахассиснинг асосий малакавий кўрсаткичи унинг профессионал компетентлигидир. Замонавий фан ва техникани жадал ривожланиши ҳар бир фан бўйича умумий билимларни тезлик билан ортиб бориши олий таълим жараёнига бир қанча мураккаб муаммолар олиб келадики, улар таълим бериш жараёнини такомиллаштиришни талаб қиласди. Янги типдаги, чуқур маълумотга эга бўлган, ижодий фикрлайдиган ва янги

талабларга мослашувчан мутахассисларни тайёрлашда тиббий олийгоҳларда шаклланиб келган бой анъанавий педагогик тажрибалардан фойдаланган ҳолда энг янги педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланишини тақозо этади.

Анъанавий таълимда «нимани, қачон ва қаерда» муаммоларига асосий эътибор қаратилган бўлса, замонавий ҳамкорликка асосланган таълим технологияларида «қандай қилиб ўргатиш керак?» деган муаммо мухим ўринни эгаллайди. Интерфаол методлар- шундай методларки, у талаба ёшларнинг узаро мулоқот ва дарс жараёнини амалга оширувчи усул “Интерактив” сУЗИ инглиз тилидан олинган бўлиб, “Интеракт” яъни “Интер”- бу узаро, “акт”- ҳаракат, таъсир, фаоллик маъноларини англатади

Ҳамкорликка асосланган, талаба-ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга мўлжалланган, талаба-ўқувчиларни бошқаларнинг фикрини эшитиш, тушуниш, ҳурмат қилиш, ўзгалар манфаатлари билан ҳисоблашиш, улардан ўрганиш, уларга ўргатиш, таъсир қила олиш, УЗИнинг ва бошқаларнинг «мен»лигини сезиш, ҳис қилиш, УЗИни бошқариш, фикрини лўнда ва аниқ баён қила олишга ўргатишга қаратилган «интерфаол» ўқитиш усуллари тез суръатлар билан ривожланиб, ижобий самара бермоқда. Ҳозирда янгича методларни ёки инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ҳақида тўхталганда интерфаол усулларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши тушунилади.

Интерфаол усуллар гуруҳдаги кичик гуруҳлар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириб, талаба-ўқувчиларни ҳаракатчанликка бошлаб, рухлантиради, натижада ўқувчилар ҳамкорликка ўргана бошлайдилар. Ҳар қандай интерфаол усул тўғри ва мақсадга мувофиқ қўлланилганида ўрганувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига татбиқ этиб, талабани назарий маълумотидан бошланғич

амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва ортирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда bemорларни ташхислаш ва қабул қилишга замин яратиб беради. Дастурнинг мақсад ва вазифалари ечими якунида талаба горизонтал ва вертикал интеграция жараёнларида олган билим ва амалий кўникмаларни клиник уйғунлаштириб, етук, рақобатбардош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт шифокори бўлиб шакилланади.

Мазкур фан ўқув режадаги биология, одам анатомияси, нормал ва патологик физиология фанларига назарий замин бўлиб хизмат қиласди. Талаба травматология ва ортопедия фанини ўрганишда нормал ва патологик анатомия, топографик анатомия ва оператив хирургия, нормал ва патологик физиология, фармакология, микробиология, умумий хирургия, неврология, рентгенология, анестезиология-реаниматология ва бошқа фанлар бўйича олган билимларига асосланади.

Травматология – ортопедия фани бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг илк босқичи ҳисобланиб, талabalар томонидан bemор муаммоларини аниқ тасаввур қила олишга ва bemор парваришига ёрдам беради. Травматология фани таянч ҳаракат тизими, шунингдек кўкрак, қорин ва чаноқ аъзоларини шикастланиши натижасида ўлим ва ногиронликнинг кўплиги ёш шифокорларнинг мутахассислигидан қатъий назар шошилинч травматологик жароҳатланишларда тезкор тиббий ёрдамни тўғри ташкил этиш ва даволаш чора тадбирларини сифатли бажариш учун уларнинг малакасини ошириш зарурлигини тақозо этади. Ортопедия фани - болаларни туғилиш жараёнидан бошлиб тўғри тарбиялаш ва уларда кузатилиши мумкин бўлган тұфма ва ортирилган деформацияларни олдини олиш ва даволаш муаммолари билан шуғулланади. Муаллифлар травматология ва ортопедия фанини ёритишида олий тиббий таълим дидактик принципларига амал қилиб, фан олдида турган хозирги долзарб муаммоларни ҳал этиш, бу муаммоларни ечимини топишда замонавий диагностик асбоб ва ускуналардан фойдаланиш, даволашда

охирги замонавий усулларни қўллаш, билимларни шакллантириб, тезкор ёрдамга муҳтож бўлган bemорларга шифокорлик ёрдамини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Шу билан бирга талабалар бу фанни ўргангач таянч-ҳаракат тизими шикастланишлари ва касалликларида зарур бўлган тез ёрдам кўрсата олиш, касалликни даволаш усулларини аниқлаш, мутахассислар билан биргаликда шикаслангандарга комплекс даволаш усулларини ўтказиш, туғма ва орттирилган ортопедик касалликларда ташхис қўйиш усуллари ва даволаш чора- тадбирларини ишлаб чиқишилари зарур.

## **1.2. Травматология ва ортопедия фанини ўқитишининг назарий масалалари**

«Травматология» фанини ўқитиши жараёни ҳар бир ўқитувчидан фан бўйича назарий билимлар, ижодий ёндошиш, касбий маҳорат ва матонат талаб қиласди. Бундай фазилатлар мавжуд бўлиши фанни ўқитишидаги муаммоларни ечишда ўқитувчи учун кўл келиши табиий. Чунки тингловчилар учун оила ижтимоий ҳолати ва саломатлигини сақлаш профилактикаси асослари билан биргаликда яхлит ёндашув, оила аъзоларидаги хасталикларни ташхислаш ҳамда асослаш, параклиник текшириш усулларга тўғри йўналтириш масалалари ҳам мураккаб саволлар ҳисобланади. Врачда катта ҳажмдаги ва мураккаб маълумотлар фанни ўзлаштиришдаги қийинчиликларга сабаб бўлади. Шунинг учун ўтиладиган мавзуларга замонавий усуллар ёрдамида ўқитиши жараёнини такомиллаштириш юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари сифатида каралиши зарур. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш, Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир. Зеро, олий ва касб-хунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган

ўқитувчи ўқитиши шаклларини оптимал даражада ташкил этишни, баркамол кадрни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий интерфаол усулларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсаддага мувофиқ саналади.

## **Травматология ортопедия фанидаги устувор йўналишлар ва эришилган ютуқлар.**

1. Суякларни металл қонструкциялари билан остеосинтези.

- суяк ичидан
- суяк ташқарисидан
- суяк орқали.

2. Суяк орқали ўрнатилган мосламалар билан сукни узунлиги ва шаклини тиклаш усули (Илизаров, Сиваш, Гудуршаури, Кализберг мосламалари).

3. Бўғимларни эндопротезлаш.

4. Артроскопик хирургия ва ташхислаш.

5. Микрохирургия асосидаги пластик ва реkonструктив жарроҳлик:

- қон билан таъминланувчи тўқималар трансплантация .
- қўл – оёқ ва бармоқлари деплантацияси.

6. Кўл кафти жарроҳлиги ва микрохирургияси.

7. Умуртқа поагонаси жарроҳлиги:

- Умуртқа ларни троспепедиқўляр фиксацияси.
- Эндоскопик дитсэктомия
- Умуртқа поагонаси коррекцияси.
- Умуртқа лар спондилодези.
- Умуртқа лар ва Умуртқа лараро диск эндопротези.

8. Лазер технологияси.

9. Биологик тўқималар трансплантацияси.

- аутотрансплантация
- аллотрасплантация.

10. Сульний ва синтетик трансплантантлар (тери, суюк, тоғай, пай, мусқұл ва бойламлар).

11. Биологик бошқариладиган протезлар.

**1. Фаннинг травматология ва ортопедия соҳасини ривожига сабаб бўлган ютуқлари.**

- Нур диагностикаси
- рентгенодиагностика.
- = радокўлеид визуализация
- КТ
- МРТ
- УЗИ
- Термография
- Компьютер – оптик топография.

**2. Антибактериал терапия.**

- антибиотиклар
- антисептиклар.
- физик ва химик йўл билан фаоллаштирилган эритмалар.

**3. Аnestезиология соҳаси ривожи.**

**4. Реабилитация.**

- соғлиқни тиклаш.
- ижтимоий статучи тиклаш.
- ҳаёт сифатини тиклаш.

### **1.3. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Травматология-ортопедия фанини ўқитишидан **мақсад** - травматология-ортопедия тараққиёт тарихи, травматизм ва унинг турлари, кўнимларни асосида травматизм профилактикаси, таянч-харакат тизимиning анатомияси ва физиологияси, синишлар ва чиқишлилар классификацияси, таянч-харакат

тизимининг шикастланишлари ва касалликларини даволашнинг замонавий усуллари, кўп учрайдиган ортопедик касалликларнинг этиология, патогенези ва даволашни билиши, олган билим ва кўникмаларини тиббиётда қўллай билишлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсата оладиган умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш.

**Фаннинг вазифалари** - Травматология ва ортопедия фани ва тарихи ҳақида тушунча бериш, таянч-ҳаракат тизимида кузатиладиган шикастлар, ортопедияда кузатиладиган туғма ва орттирилган деформациялар клиникаси, замонавий диагностика ва даволаш усулларини қўллаш ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак.

- Синиш ва чиқишлиарни асосий даволаш принципи.
- Гипсли боғламларнинг асосий қўринишлари.
- Елка бўғимиға гипсли боғлам қўйиш техникаси
- Торакбронхиал гипс боғлам қўйиш техникаси.
- Этикчали гипсли боғлам қўйиш техникаси
- Дерататор ёрдамида этикчали гипс боғлам қўйиш техникаси
- Юқори этик гипсли боғламни қўйиш техникаси.
- Спика туридаги гипсли боғлам қўйиш техникаси
- Дезо туридаги гипсли боғлам қўйиш техникаси

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар.

### ***Талаба***

- травматология-ортопедия фани ҳақида;
- травмалар таснифини;
- травматизм ҳақидаги тушунчани;
- шикастланганларга керакли тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий мазмун - моҳиятини;
- шикастланишлар вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш турларини;
- шикастланишларнинг олдини олиш;
- шикастланган bemorлар реабилитациясини ***билиши керак***.

- шикастланганларга тиббий ёрдам күрсатишни;
- шикастланганлар күригини ўтказишни;
- клиник текширишларни ўтказишни: пальпация, **Аускультация** ва х.к.
- шикоят, анамнез ва клиник текширишлар асосида ташхис қўйишни;
- шикастланганлар соҳаларининг ҳаракат ҳажмини аниқлашни;
- рентген тасвири интерпретациясини;
- bemorlarغا олинган жароҳати тўғрисида тушунча беришни;

шикастланган bemorlarга тиббий ёрдам күрсатишни

**бажара олиши керак.**

- синишларда Крамер шинасини қўйиш техникаси;
- синишларда Дитерихс шинасини қўйиш техникаси;
- жгут қўйиш техникаси;
- Очиқ жароҳатларда асептик боғлам қўйиш;
- бўғимлар функциясини текшириш;
- синган соҳани оғриқсизлантириш;
- шанц ёқасини қўйиш;
- таянч ҳаракат тизимини ортопедик текшириш;
- болдир суяклари синишида тана тортмасини ўрнатиш;
- умуртқа лар шикастланишида транспорт иммобилизация техникаси;
- чаноқ шикастланишида транспорт иммобилизация техникаси;
- қовургалараро блокада техникаси;
- сон суяклари синишида тана тортмасини ўрнатиш;
- умуртқа лар синишида тана тортмасини ўрнатиш;
- ортопедик bemorni текшириш;
- елка суяги синишида биринчи тиббий ёрдам күрсатиш усули;

Гюнтер учбуручаги ва чизигини аниқлаш - **амалий қўникмаларига (шу жумладан клиник амалий қўникмаларга) эга бўлиши керак.**

Юқоридагиларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга куйидаги мақсадни қўйдик:

**Мақсад:** Амалий машғулотда инновацион таълим технологияларига янгича ёндошув орқали мавзуни ўрганиш самарадорлигини ошириш.

**Вазифалар:**

1. Амалий машғулотларда инновацион ўқитишни ташкил этиш усуллари ва воситалари самарадорлигини ошириш.
2. Амалий машғулотлар ўтказиш давомида талаба шахси устуворлигини таъминлаш.
3. Таълим мақсадининг натижага эришувини амалга ошириш.

**Тадқиқот предмети сифатида Травматология ва ортопедия фанини ўқитишида интерфаол усулларни тадбиқ қилиш** мавзуси бўйича маълумотлар йиғиндисини – маъруза матни, интерфаол технологиялар, вазиятли масалалар, тестлар, амалий кўнималар ва назорат саволлари олинмоқда.

**Тадқиқот обьекти** сифатида Травматология ва ортопедия фанида педиатрия, даволаш ва тиббий-педагогика факўльтетлари талabalарини ўқитиши жараёнида турли ўқитиш шаклларини қўллаш ва келтирилган мавзу бўйича замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш усуллари қўлланилиши назарда тутилган.

**1.4 Ўкув жараёнинг йўл ҳаритаси ва натижалаш мезонлари**

Семестр	Умумий соат	Жами	Маъруза лар соатлари	Амалий машғулот соатлари	Мустақил иш
VII-VIII	156	90	12	78	66

**Фан бўйича маърузалар  
р е ж а с и**

№	Маъруза мавзуси	Соат
1.	Травматология-ортопедия фани, унинг қисқача тарихи. Синиш ва чиқишлиар диагностикаси, даволашнинг замонавий усуллари.	2
2.	Травматизм ва унинг таснифи. Таянч-харакат аппаратининг касбий касалликлари. Травматизм ва унинг профилактикаси.	2

3.	Қўл ва оёқларнинг шикастлари.	2
4.	Чаноқ суяклари ва умуртқа поғонаси синишлари.	2
5.	Политравма.	2
6.	Таянч-ҳаракат тизимини туғма деформациялари. Таянч-ҳаракат аппаратининг туғма ва орттирилган деформациялари олдини олиш учун олиб бориладиган чора-тадбирлар.	2
<b>ЖАМИ</b>		<b>12 соат</b>

### **Фан бўйича маъруза ва амалий машғулотлар**

#### **р е ж а с и**

№	<b>Машғулот мавзулари</b>	<b>Соат</b>		
		Назарий қисм (50%)	Амалий қисм (50%)	Жами 100%
1.	<p><b>Маъруза № 1.</b> Травматология-ортопедия фани, унинг қисқача тарихи. Синиш ва диагностикаси, даволашнинг замонавий усуллари.</p> <p><b>Амалий машғулот № 1.</b> Таянч-ҳаракат аппаратининг шикастланишлари ва касалликлари бўлган беморларни текшириш ва ташхислаш усуллари.</p> <p><i>Амалий кўнукма:</i> Синишларда Крамер шинасини қўйиш техникаси. Қўл ва оёқ узунлигини ва ўқини аниқлаш).</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "Баҳс мунозара"</p>	2/0,5с	2,5с	5с
2.	<p><b>Амалий машғулот № 2.</b> Синиш ва чиқишлиарни даволашнинг асосий принциплари. Травматизм.</p> <p><i>Амалий кўнукма:</i> Синишларда Дитерихс шинасини қўйиш техникаси . Гипсли бинт тайёрлаш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "T-схема"</p>	3с	3с	6с

3.	<p><b>Амалий машғулот № 3.</b> Травматологик ва ортопедик беморларни амбулатория шароитида даволаш ва уларнинг реабилитацияси.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Жгут қўйиш техникаси. Гипсли лонгета тайёrlаш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "Кичик грухларда ишилаш"</p>	3с	3с	6с
4.	<p><b>Маъруза № 2.</b> Травматизм ва унинг таснифи. Таянч-ҳаракат аппаратининг касбий касалликлари.</p> <p>Травматизм ва унинг профилактикаси.</p> <p><b>Амалий машғулот №4.</b> Кўкрак қафаси, елка камари шикастлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Синган соҳани оғриқсизлантириш. Қовурғалараро новокайнли блокада.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "Мия ҳужуми"</p>	2/1с	3с	6с
5.	<p><b>Амалий машғулот № 5.</b> Елка шикастлари ва асоратлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Таянч - ҳаракат тизимини ортопедик текшириш. Шанц ёқасини қўйиш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "SWOT таҳлил"</p>	3с	3с	6с
6.	<p><b>Маъруза №3.</b> Кўл ва оёқларнинг шикастлари.</p> <p><b>Амалий машғулот №6.</b> Билак ва қўл панжа шикастлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Елка суягининг синишида Крамер шинасини қўйиш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "Ассистмент"</p>	2/1с	3с	6с
7.	<p><b>Амалий машғулот №7.</b> Соn ва тизза бўғими шикастлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Соn суяклари синишида тана тортмасини ўрнатиш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> "Давра сухбати"</p>	3с	3с	6с

8.	<p><b>Маъруза №4.</b> Чаноқ суяклари ва умуртқа поғонаси синишлари.</p> <p><b>Амалий машғулот №8.</b> Болдир суяклари ва оёқ панжа шикастлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Болдир суяклари синишида тана тортмасини ўрнатиш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> “Ролли ўйин”</p>	2/1с	3с	6с
9.	<p><b>Амалий машғулот №9.</b> Чаноқ суяклари шикастланишлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Чаноқ шикастланишида транспорт иммобилизация техникаси.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> “Лойиха” ўйини</p>	3с	3с	6с
10.	<p><b>Амалий машғулот №10.</b> Умуртқа поғонаси шикастлари.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Умуртқа лар шикастланишида транспорт иммобилизация техникаси. Умуртқа лар синишида тана тортмасини ўрнатиш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> “Давра сухбати”.</p>	2,5с	2,5с	5с
11.	<p><b>Амалий машғулот № 11.</b> Очиқ синишлар.</p> <p>Травматик остеомиелит.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Очиқ жароҳатларда асептик боғлам кўйиш. <i>Интерфаол ўйин:</i> “Кейс-стадии”</p>	3с	3с	6с
12.	<p><b>Маъруза № 5.</b> Политравма.</p> <p><b>Амалий машғулот №12.</b> Политравма.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Футляр новокаинли блокада</p> <p><i>Интерфаол ўйин.</i> “Инворт”</p>	2/0,5с	2,5с	5с
13.	<p><b>Амалий машғулот №13.</b> Травматик шок.</p> <p><i>Амалий кўникма:</i> Таянч ҳаракат тизимини ортопедик текшириш.</p> <p><i>Интерфаол ўйин:</i> “ВЕННА-диаграммаси” методи</p>	2,5с	2,5с	5с

14.	<b>Амалий машғулот №14.</b> Болаларда суяк синишиларининг УЗИга хос хусусиятлари. Туғма сон суяги чиқиши.  <i>Амалий кўниҳма:</i> Ортопедик беморни текшириш. <i>Интерфаол ўйин:</i> "Ишбилармонлар ўйини"	3с	3с	6с
15.	<b>Маъруза № 6.</b> Таянч-ҳаракат тизимининг туғма деформациялари. Таянч-ҳаракат аппаратининг туғма ва ортирилган деформациялари олдини олиш учун олиб бориладиган чора-тадбирлар  <b>Амалий машғулот № 15.</b> Туғма бўйин қийшиклиги.  <i>Амалий кўниҳма:</i> Елка суяги синишида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усули.  <i>Интерфаол ўйин:</i> "Муаммоли вазиятлар"	2/0,5с	2,5с	5с
16.	<b>Амалий машғулот № 16.</b> Туғма маймоқлик.  <i>Амалий кўниҳма:</i> Гюнтер учбурчаги ва чизифини аниқлаш. <i>Интерфаол ўйин:</i> "давра сұхбати"	2,5с	2,5с	5с
<b>ЖАМИ</b>		<b>12/33</b>	<b>45</b>	<b>90</b>

### **Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуидаги мавзулар тавсия этилади:

#### *Травматология ва ортопедия фанидан*

1. Таянч-ҳаракат аппаратининг шикастланишлари ва касаликлари бўлган bemорларни текшириш ва ташхислаш усуллари. Синиш ва чиқишиларни даволашнинг асосий принциплари. Травматизм.
2. Травматологик ва ортопедик bemорларни амбулатория шароитида даволаш ва уларнинг реабилитацияси.
3. Кўқрак қафаси, елка камари шикастлари. Елка шикастлари ва асоратлари.
4. Билак ва қўл панжа шикастлари.
5. Сон ва тизза бўғими шикастлари.
6. Болдир суяклари ва оёқ панжа шикастлари.

7. Чаноқ ва умуртқа поғонаси шикастлари.
8. Очиқ синишлар. Травматик остеомиелит.
9. Политравма. Травматик шок.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурӯхга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муаммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишида қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиши;
- талабада натижани мустақил равища қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

**Травматология-ортопедия.** Болалар травматологияси фанлари бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўнкимларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

### **Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Талабаларнинг “Травматология ва ортопедия” фани бўйича клиник амалиёти таълим жараёнинг 50% ташкил қиласи ва амалий машғулотлар “қабул бўлими”, “травматология ва ортопедия”, “йирингли касалликлар” бўлими ва “СКАЛ” маслаҳат поликлиникаси травматолог хонасида ўтказилади.

## **Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

**Фолькман ишемик контрактураси.**

Гематоген остеомиелит.

Болаларда суяқ шикастларининг УЗИга ҳослиги.

Дюпьюитрен **контрактураси.** Кўл-оёқ бармоқлари пайларининг шикастланишлари.

**Бўғимлар контрактура** ва анкилозлари.

Суяқ ва бўғимларнинг тизимли касалликлари. Оёқ панжасининг статик деформацияси

Кўл-оёқ периферик нервлар шикастлари ва нейроген деформациялар.

Полиомиелит.

Артргриппоз. Болалар церебрал фалажи. Тугалланмаган остеогенез.

Остеохондропатиялар.

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Соат</b>
<b>1.</b>	Фолькман ишемик контрактураси.	<b>7</b>
<b>2.</b>	Гематоген остеомиелит.	<b>7</b>
<b>3.</b>	Болаларда суяқ шикастларининг УЗИга ҳослиги.	<b>7</b>
<b>4.</b>	Дюпьюитрен контрактураси. Кўл-оёқ бармоқлари пайларининг шикастланишлари.	<b>8</b>
<b>5.</b>	Бўғимлар <b>контрактура</b> ва анкилозлари.	<b>7</b>
<b>6.</b>	Суяқ ва бўғимларнинг тизимли касалликлари. Оёқ панжасининг статик деформацияси	<b>8</b>
<b>7.</b>	Кўл-оёқ периферик нервлар шикастлари ва нейроген деформациялар. Полиомиелит.	<b>7</b>
<b>8.</b>	Артргриппоз. Болалар церебрал фалажи. Тугалланмаган остеогенез.	<b>8</b>
<b>9.</b>	Остеохондропатиялар.	<b>7</b>
	<b>Жами:</b>	<b>66 соат</b>

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион заллар марказларида тасдиқланган амалий қўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий қўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;
- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда туриши, тасдиқланган амалий қўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назорати остида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- Айрим назарий мавзуларни ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириши;
- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал клиник вазиятлар клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- Тақдимот ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва х.к.

**Амалий машғулотлар хронологик картаси**  
**(маъруза билан)**

<b>№</b>	<b>Дарснинг босқичлари</b>	<b>Дарснинг шакллари</b>	<b>Давомий-лиги 280 мин.</b>
	8 <sup>00</sup> – 9 <sup>20</sup> гача маъруза		80 мин.
1.	Талабалар йўқламаси, одоб-аҳлоқ қоидаларини тарғиб этиш, амалий машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш		10 мин.
2.	Дарсни муҳокама этиш, талабалар бошланғич билимларини текшириш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.	Савол, тушунтириш	30 мин.
3.	Талабаларнинг тайёргарлик даражаси аниқлашди. Машғулот давомида тавсия этилган кўргазма қуроллардан фойдаланиш (жадваллар, видеофильм, муляжлар ва б.) Охирги муҳокама хуносасини чиқариш.		30 мин. 10 мин.
4.	Талабаларга дарснинг амалий қисми ҳақида маълумот бериш. Мавзуга оид bemорларни кўриб, улардан шикоятлар, анамнез йиғиш, касаллик аломатларини тўғри аниқлаш.	Мустақил курация	30 мин.
5.	Талабаларнинг ассистент ёрдамида амалий кўникмани ўзлаштириш даражасини аниқлаш (мавзуга оид bemор курацияси). Ўзлаштирилган амалий кўникмалар ҳамда назарий билимлар асосида машғулотни ўтказищдан кўзланган мақсадга эришганлик даражасини муҳокама қилиш.	Беморлар, каслик варақалари, оғзаки, тест, дискуссия, амалий иш натижаларини муҳокама этиш	40 мин.

	Беморларга тавсия этилган муолажаларда қатнашиш. Касаллик тарихини түлдириш.		
6.	<p>Беморнинг лаборатор текширувлар жавоблари натижаларини тахлил қилиш, даволаш режасини тузиш, рецептлар ёзиш, диф. диагностика. Назорат саволлар, интерфаол ўйини, муаммоли вазиятлар ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш савияси аниқланади.</p> <p>Ўқитувчининг ушбу машғулот бўйича хulosаси. Талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш ва баҳоларни зълон қилиш. Келгуси амалий машғулот мавзусини эълон қилиш ва назорат саволлар тақдим қилинади</p>	<p>Клиник ва лаборатория билан ишлаш, вазиятли масалалар, тестлар, саволлар</p>	<p>20 мин.</p> <p>20 мин.</p> <p>10мин</p>

### Амалий машғулотлар хронологик картаси (маъруза режалаштирилмаган)

№	Дарснинг босқичлари	Дарснинг шакллари	Давомийлиги 280 мин.
1.	Талабалар йўқламаси, одоб-аҳлоқ қоидаларини тарғиб этиш, амалий машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш		20 мин.
2.	Дарсни мухокама этиш, талабалар бошланғич билимларини текшириш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.	Савол, тушунтириш	60 мин.
3.	Талабаларнинг тайёргарлик даражаси аниқланади. Машғулот давомида тавсия этилган кўргазмали куроллардан		<p>30 мин.</p> <p>20 мин.</p>

	фойдаланиш (жадваллар, видеофильм, муляжлар ва б.) Охирги муҳокама хulosасини чиқариш.		
4.	Талабаларга дарснинг амалий қисми хақида маълумот бериш. Мавзуга оид bemорларни кўриб, улардан шикоятлар, анамнез йиғиш, касаллик аломатларини тўғри аниқлаш.	Мустақил курация	50 мин.
5.	Талабаларни ассистент ёрдамида амалий кўникмани ўзлаштириш даражасини аниқлаш (мавзуга оид bemор курацияси). Ўзлаштирилган амалий кўникмалар ҳамда назарий билимлар асосида машғулотни ўтказищдан кўзланган мақсадга эришганлик даражасини муҳокама қилиш. Беморларга тавсия этилган муолажаларда қатнашиш. Касаллик тарихини тўлдириш.	Беморлар, касаллик варақалари. Оғзаки, тест, дискуссия, амалий иш натижаларини муҳокама этиш	30 мин.
6.	Беморнинг лаборатор текширувлар жавоблари натижаларини таҳлил қилиш, даволаш режасини тузиш, рецептлар ёзиш, диф. диагностика. Назорат саволлар, интерфаол ўйини, муаммоли вазиятлар ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш савияси аниқланади. Ўқитувчининг машғулот бўйича хulosаси. Талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш ва баҳоларни зълон қилиш. Келгуси амалий машғулот мавзусини эълон қилинади ва назорат саволлари тақдим этилади.	Клиник ва лаборатория билан ишлаш Вазият масалалар, тестлар, саволлар	40 мин. 20 мин. 10 мин.

## **Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича назорат қилиш турлари,**

### **усуллари ва мезонлари:**

Кафедранинг мазкур Низоми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3069, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва тиббий таълим Бош бошқармаси бошлиғи Ў.С.Исмоилов томонидан 2018 йил 5 декабря келишилган “Тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом”и асосида ишлаб чиқилган

### **Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш**

#### **ЖАДВАЛИ**

<b>5 баҳолик шкала</b>	<b>100 баллик шкала</b>	<b>5 баҳолик шкала</b>	<b>100 баллик шкала</b>	<b>5 баҳолик шкала</b>	<b>100 баллик шкала</b>
5,00 — 4,96	100	4,30 — 4,26	86	3,60 — 3,56	72
4,95 — 4,91	99	4,25 — 4,21	85	3,55 — 3,51	71
4,90 — 4,86	98	4,20 — 4,16	84	3,50 — 3,46	70
4,85 — 4,81	97	4,15 — 4,11	83	3,45 — 3,41	69
4,80 — 4,76	96	4,10 — 4,06	82	3,40 — 3,36	68
4,75 — 4,71	95	4,05 — 4,01	81	3,35 — 3,31	67
4,70 — 4,66	94	4,00 — 3,96	80	3,30 — 3,26	66
4,65 — 4,61	93	3,95 — 3,91	79	3,25 — 3,21	65
4,60 — 4,56	92	3,90 — 3,86	78	3,20 — 3,16	64
4,55 — 4,51	91	3,85 — 3,81	77	3,15 — 3,11	63
4,50 — 4,46	90	3,80 — 3,76	76	3,10 — 3,06	62
4,45 — 4,41	89	3,75 — 3,71	75	3,05 — 3,01	61
4,40 — 4,36	88	3,70 — 3,66	74	3,00	60
4,35 — 4,31	87	3,65 — 3,61	73	<b>3,0 дан кам</b>	<b>60 дан кам</b>

«Травматология-ортопедия» фанидан талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши, малакавий амалиёт фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битириув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий тадқиқот ва илмий педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси “5” баҳолик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат **қилишда** қуидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

### **Талабалар билимини баҳолаш тизими**

№	Ўзлаштириш (%) ва баҳо	Баҳолаш мезонлари	Баҳолаш сифатлари	Тайергарлик даражаси
1	91-100 Аъло «5»	Мавзу бўйича назарий билим даражаси, қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда дарсга тайерланган. Амалий машғулотга қонспекти ва маъруза матни ёзилган. Бемор курациясида фаол иштирок этиб, ташхисни тўғри қўйган. Даволашни тавсия қилишни билади, амалий кўникмаларни ўзлаштиради. Вазият масалаларини тўғри ечади. Дори-дармонларга рецепт ёзишни билади.	Умумлаштирали Баҳолайди Таҳлил қиласи Тушунади Билади	4-даражади Ижод қилиш даражаси
2	86-90 Жуда	Назарий билими юқори даражада, машғулотга дарслик бўйича	Таҳлил қиласи	3-даражада билим ва

	яхши «5»	тайёрланган. Конспекти бор, маъруза матни ёзилган. Бемор курациясида иштирок этади, ташхисни тўла қўймади. (йўлдош касалликларсиз). Даволаш тўлиқ эмас. Амалий кўникмаларни ўзлаштиради. Муаммоли вазиятлар тест саволларини ечишда фаол иштирок этади. Рецепт ёзишни билади.	қўллайди тушунади билади	кўникмалар даражаси.
3	71-85 Яхши «4»	Назарий билими яхши даражада. Конспект ва маъруза матни ёзилган. Бемор курациясида, мухокамасида иштирок этади. Амалий кўникмаларни ўзлаштиради. Вазият масалаларни, тест саволларини ечади, рецепт ёза олади.	Кўллайди Тушунади Билади	3-даражада Билим ва кўникмалар даражаси
4	65-70 Тўлиқ қоникар- ли”3”	Назарий билими ўртача. Конспекти, маъруза матни тўлиқ эмас. Бемор курациясида иштирок этади, даволашни тўла билмайди. Амалий кўникмалар мустаҳкамланган эмас. Тест саволлари, масалаларни ечишда иштирок этади	Тушунади, билади	2-даражада Ўқув кобилият даражаси
5	55-64 Қоникар- ли,”3”	Назарий тасаввурга эга, конспекти, маърузаси бор, машғулотни ўтказиш жараёнида иштирок этади	Билади, яъни минимал талаблар бажарилган	1-даражада Тасаввур этиш даражаси
6	54-41 Қоникар	Ёмон билади, тасаввурга эга эмас. Конспекти, маърузалари тўлиқ эмас	ёмон билади, қўшимча	0-даражада тасаввур

	сиз “!”	Қўшимча ишлаш талаб этилади.	ишлаш талаб этилади	этиш даражаси суст
7	40-30 дан паст Коникар сиз “!”	Билмайди, тасаввурга эга эмас. Бўш кўп қўшимча ишлашни талаб этади.	Билмайди бўш кўп қўшимча ишлаш керак	0-даражада мутлоқ тасаввур йўқ
8	30 “0”	Дарсга мавзу бўйича тайерланмаган. Қатнашиш бали	Қатнашиш бали	0-даражада

### Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

№	Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби	Максимал баҳо	Ўтиш бали
1.	<p>Жорий баҳолаш (ЖБ)- 5 баҳо Амалий машғулот давомида баҳоланади: Назарий билим – 5 баҳо</p> <p>1.Оғзаки жавоб – 5 баҳо 2. Ёзма жавоб –5 баҳо 3.Тест – 10 та тест – 5 баҳо</p> <p><b>Клиник амалиёт- 5 баҳо</b></p> <p>1. Амалий қўнинмани ўзлаштириш – 5 баҳо 2. Масала – 5 баҳо 3.Анализ –5 баҳо</p>	<p>5 баҳо “5” - 4,26- 5,0</p> <p>“4”-3,55-4,26</p> <p>“3”- 3,0-3,5</p>	3баҳо
2.	<p><b>Оралиқ баҳолаш (ОБ) – 5 баҳо</b> - цикл ўртасида ўтказилади.</p> <p>Кафедрада ёзма ва оғзаки имтиҳон - ОСКЭ: 4-станциядан иборат. Ҳар бир станция – 5 баҳо - ўртача қиймати олинади . (Назарий савол, амалий қўнинма, муаммоли вазият лаборатория таҳлили)</p>	<p>5 баҳо “5” - 4,26- 5,0</p> <p>“4”- 3,55-4,26</p> <p>“3”- 3,0-3,5</p>	3баҳо
3	<p><b>Якуний баҳолаш (ЯБ) – 5 баҳо</b> - цикл якунидаги ўтказилади.</p> <p>2 турда – кафедрада ОСКЭ - 5 баҳо ва тест имтиҳони- 5 баҳо . Кафедрада оғзаки имтиҳон - ОСКЭ: 4-станциядан иборат. Ҳар бир станция – 5 баҳо - ўртача қиймати олинади .(Назарий савол, амалий қўнинма, вазиятли масала, лаборатория таҳлили)</p>	<p>5 баҳо “5” - 4,26- 5,0</p> <p>“4”- 3,55-4,26</p> <p>“3”- 3,0-3,5</p>	3баҳо

## **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

- ✓ мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган;
- ✓ барча мавзулар бўйича маъруза машғулотларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон дидактик технологияларни;
- ✓ фан мавзуларида ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий ҳужум, қора қути, ўргимчак ини, бўш ҳалқа, мойчечак, венна диаграммаси, кластер усули, кейс технологияси, лойиҳали ўқитиш, гурухли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

<b>Информацион таъминоти</b>	<b>Техник таълим воситалари</b>	<b>Ёрдамчи асбоб-ускуналар</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>- баннерлар, слайдлар;</li><li>- ўқув адабиётлар,</li><li>электрон версия ва</li><li>мультимедиялар;</li><li>- маъруза ва амалиёт учун</li><li>кўргазмали материаллар;</li><li>- тарқатма материаллар;</li><li>- муаммоли вазиятлар, тест</li><li>саволлари;</li><li>- ҳар бир мавзу бўйича</li><li>билетлар</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>- Компьютерлар IntelGeleron 2/8/DDRII 480Mb/DVI (клав, мышь, монитор SAMSUNG 793DF)</li><li>- Видеопроектор EPSON EB-S92</li><li>- Принтерлар</li><li>- Телевизор</li><li>- Кадоскоп</li><li>- Видемагнитофон LG EV 193 W</li></ul>	

## **II. АСОСИЙ ҚИСМ**

### **2.1 Травматология ва ортопедия фанини ўқитишида амалий машғулот жараёнига янгича ёндошиш.**

Хозирги замонда клиник ўқитиши жараёнида ўз касбидан компетентликка эришишга йўналтирилган ўқитиши услугблари катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадга назарий билимларни эгаллаш ва уларни амалиётда бевосита қўлланилиши орқали эришилади. Барча тиббий ходимлар шу ўқитиши услугблари ёрдамида шундай билим ва кўникмаларни тўлиқ эгаллашлари керакки, зоро уларни ўз амалиётларида бевосита қўллашлари мумкин бўлсин. Барча фанлар каби «Травматология ва ортопедия» фанини ўқитишида ҳам замонавий инновациялар кенг тадбик этилмоқда. Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиши ўйфотиши, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг УЗИ янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарблиқдан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – инновацион педагогика жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Шунинг учун тажрибали ўқитувчилар ҳар бир ҳолат учун мос келадиган ўқитиши услугбларидан фойдалана олиши керак. Самарали равишда билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун, хозирги замонавий ўқитиши жараёнида ҳар бир талабага индивидуал равишда ёндошиш лозим. Традицион ўқитиши услугбларидан эса ўқитувчилар ўқитиши курсларининг охиридагина баҳолаш орқали ҳар бир талабанинг ўқиш программасини қай даражада ўзлаштирганлигини билиш мумкин эди. Замонавий ўқитиши жараёни ҳар бир қатнашчига индивидуал ёндошган ҳолда, уларнинг билимларини янгича баҳолашни ўз ичига олади. Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажаккка масъулият ҳиссини ва ўз-УЗИга ишончни шакллантиришишdir.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ .

Бу каби вазифаларни бажариш кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга оширишнинг босқичларида белгилаб берилган. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан ўзвий боғлиқдир. Илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан тъминлаш“ зарурати эътироф этилди, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди”.

Нима учун бугунги кунда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди? Биринчидан, ўқитувчини ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бўлса, иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқитиши жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганилиги, шунингдек, талабаларни касбий фаолиятга мукаммал тайёрлаш талаблари таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй берадиган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлантириши талаб этади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурый шартларидан бири саналади.

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли мухит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай мухит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қиласи. Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши фан соҳаларини ахборотлаштиришни, ўқув фаолиятини интеллектуаллаштиришни, интеграция жараёнларини чукурлаштиришни, таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилари, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;
- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;
- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасининг чукур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулокот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;

- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига кўшимча равиша янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда узаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «Вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади. Анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видеоконференциялар маълум вақт орасида узаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факс ва эмаил алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга узаро қайта алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

## Анъанавий ва замонавий таълимнинг қиёсий таҳлили

<b>№</b>	<b>Анъанавий</b>	<b>Замонавий</b>
1	Янги авлодга билим ва тажриба бериш	Талабаларнинг шахсий баркамоллигини таъминлаш ва ривожлантириш
2	Талабаларни ҳаётга тайёрлаш	Қийинчиликларсиз яшашга ўргатиш
3	Хозиргидан келгусида яхши бўлишга тайёрлаш	Доимий ўзгариш жараёнида яшашга ўргатиш
4	Таълим мақсади – билим олиш	Таълим мақсади – УЗИни ривожлантириш, баркамоллик
5	Талабалар мақсадини тайёр ҳолда оладилар	УЗИнинг ҳуқуқий мақсадларини кўйиши ва унга эришиш йўлларини танлаш
6	Талабалар назорат турларидан қочадилар	Объектив ва ўз вақтда назоратга интилиш
7	Ўқув муассасалари узаро ўхшаш	Ҳар бир ўқув муассаси юксалиш сари интилади
8	Аниқ ўқитувчи	Ўқитувчи танлаш имконияти

Дунёдагиқўп давлатларнинг ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан “Moodle” дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда. Очиқ кодли “Moodle” дастурий мажмуаси ўқув жараёнини бошқарувчи “Web”га йўналтирилган маҳсус тизим бўлиб интернет тармоғида фойдаланишга мўлжалланган.

Хозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувоғик саналади.

Шу сабабли фанни ўқитишида устувор йўналишлардан бири, бу интерфаол ўқитиши методларини тадбиқ этиш. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хulosаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва фақўльтетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиши усуллари - интерфаол, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етўқмалакага эга бўлишларини таъминлайди. Биз малакани ҳимоя қилиш ишига қўйиладиган давлат талабларини ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиб ҳамда кўпгина илмий тадқиқотларни ўрганиб қўйидаги хulosага келдик, биз ўрганган адабиётлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари ва илмий изланишлардан маълум бўлишича “Педагогик технологиялар” маълум маънода қўриб чиқилган ва кўплаб илмий изланишлар олиб бориш натижасида кўпгина адабиётлар яратилган.

### **Ўқув машғулотида амалий машғулот технологияси модели**

Травматология фани замонавий тиббиёт амалиётида муҳим ўрин тутади ҳамда шифокорлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Травматология фани амалиётда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, уларни самарали даволаш усулларини такомиллаштириш ва профилактика чораларини

ўргатишиňи ўз олдига маңсад қилиб қўяди. Бу фаннинг чуқур ўқитишиши бўлажак шифокорлар учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

### **1.6. Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг Травматология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш мухим аҳам иятга эгадир. Фанни ўзлаштиришида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

**1.7. Информацион-услубий таъминот:** 1. Методик ишланмалар ва тавсиялар. 2. Маъруза материаллари. 3. Касаллик тарихлари. 4. Травматология бўйича журналлар. 5. Институт кутубхонасидағи китоб, монография ва журналлар. 6. Интернет тизими, АДМИ масофали ўқитиши маркази (ЦДО). 7. Ўқув видеофильмлар, слайдлар. 8. Муляжлар, жадваллар. 9. Компьютер Pentium IV принтер билан. 10. Мультимедия аппарати (Epson EB-S92). 11. Ноутбук ACER Aspire 5349, Нэтбук ACER.

### **2.2. Фанини ўқитишида замонавий интиерфаол педагогик технологияларни қўллаш**

Машғулотлар давомида қуйидаги интерфаол технологиялар тавсия қилинади:

1. Амалий қўникмаларни ўргатиш
2. «Кичик груҳларда» ишлаш
3. «Ақлий хужум» усули
4. «Муаммоли вазиятлар» усули.
5. «Лойиха» усули
6. «Кейс стадии» усули.
7. «Т-жадал» усули
8. «Ассесмент» усули
9. “SWOT- таҳлили” усули.
10. «Бирагликда ўрганамиз» («кооп-кооп») усули

11. «Хамкорликда узаро ўқиши».
12. «Инсерт» усули.
13. «Блиц-ўйин» усули.
14. «Венна диаграммаси».
15. “Давра сұхбати”.
- 16.”Баҳс- мунозара”
17. “Ишбоп ўйин”.
18. “Ролли ўйин”.
19. “Йўналтирувчи матн”.
20. “Грухни лойиҳалаш”.

### **Қўлланилган технологиялар моҳияти:**

- Иштирокчилар узаро ғоя ва фикрларни алмашиниш имкониятига кўпроқ эга бўладилар.
- Иштирокчилар катта гурухларда баён қила олмайдиган фикрларини, кичик гурухларда баён қиласадилар.
- Иштирокчиларнинг тажриба ва ғоя алмашинувлари уларнинг билимларини оширади, мавжуд ёндашишларини ўзгартиради.
- Дикқат маркази педагогдан иштирокчиларга ўтказилади.
- Билим олиш учун катта масъулиятни иштирокчилар ўзларига олишга мажбур бўладилар.


### **Травматология ва ортопедия фанида, амалий машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари**

Таълим технологияси аниқ педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиласадиган

жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

### **Замонавий таълим технологиясининг асослари**



**Интерфаол таълим** (Interactive) - сұхбатли. **Интерфаол таълим** бериш - сұхбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг узаро харакати амалга оширилади.

### **Замонавий интерфаол педагогик технологиялар**

#### **1. Амалий кўникмаларга ўргатиш усули.**

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштириллади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма-қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намойиш этилади, алгоритм асосида босқичма-босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва маникенларда, талабалар узаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларни алоҳида, кейин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични - амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва маникенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт - шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қиласи ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олинниб УЗИга намойиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишида ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани

тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилинч ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, муаммоли вазиятлар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талabalар нафақат эксперт сифатида чиқища ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда, балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вактда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

## **2. «КИЧИК ГУРУХЧАЛАРДА ИШЛАШ» УСУЛИ**

**«Кичик гурӯхчаларда ишлаш»** методи – талabalарни фаолаштириш мақсадида уларни кичик гурӯхларга ажратган ҳолда ўқув материалини

ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хукуқига, бошловчи ролидан булишг, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

«Кичик гуруҳчаларда ишлаш» методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтининг УЗИда барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

### **Кичик гуруҳчаларда ишлаш» усулининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган маслалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 3-6 кишидан булинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаоришга киришадилар.
4. Кичик гуруҳ тақдимот қиласадилар.
5. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва тахлил қилинади.
6. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

### **«Кичик гуруҳчаларда ишлаш» усулининг афзаллиги.**


- Ўқитиши мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- Мулоқатга кириш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- Вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- Барча талабалар жалб этилади;
- Ўз-УЗИни ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

### **“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-гоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билидирлган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар хатто түгри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир талаба қатнашиши шарт.

Куйида “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



#### **“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр,ғоя ва мулоҳаза) билдиришлари сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли коғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:**

- Натижалар баҳо ланмаслиги талабаларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- Талабаларнинг барчаси иштирок этади;
- Фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- Талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотади..

#### **4.Муаммоли вазиятлар усули.**

**Муаммоли вазиятлар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишига ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўнимкамларини шакллантириш.

Муаммоли вазиятлардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласи.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қўйидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларнинг шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидирудини амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидирудини амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидиувини амалга ошириш ёки ҳал

етиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим оловчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўкув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим оловчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидибуви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўкув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазиятнинг мураккаблиги (вазият «ўкув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим оловчилар даражасига мос келиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам хажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўкув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишилардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазиятни ишлаб чиқиши катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Коидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўкув гурӯҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим оловчилар онгода ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаш етишга ёрдам бўлади.

### **Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўкув машғулотининг технологик ҳаритаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
Тайёргарлик	Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	Тингловчилар гурӯҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурӯҳларда муҳокама қиласадилар, уларни таҳлил қиласадилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	Натижаларни маълум қиласади, бошқа гурӯҳ вариантиларини муҳокама қиласадилар

4 - босқич Умумлаштириш, якун ясаш	Баҳосиз ва қисқа равища муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хуносаларга эътибор қаратади
--	--

## **5.“Лойиҳа” усули**


“Лойиҳа” методи – бу талабаларнинг индивидуал ёки гурӯҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда талабалар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурӯҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гурӯҳниниг биргаликдаги фаолиятининг мувофикалаштирилган натижасидир. Бу жараёнда талабанинг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Талаблар нуқтаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у талабалардан мавжуд бўлимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўзгаришига хизмат қилишни, назарий билимларни амалиётга татбиқ этишни, талабалар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Куйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

### **“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Талабалар мустақил равища дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириқка оид маълумотлар йиғадилар.
2. Талабалар мустақил равища иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида талабалар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.



3. Кичик грухлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таалабалар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарорлар қабул қиладилар. Таалаблар педагог билан бираглиқда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Педагог таалабалар билан биргалиқда “Баҳолаш варақаси” ни ишлаб чиқади.
4. Таалабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга ошираилар. Улар индивидуал ёки кичик грухларда ишлашлари мумкин.
5. Таалабалар иш натижаларини, ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик грухлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладлар. Текширув натижалари “Баҳолаш ” да қайд этилади. Таалаба ёки кичик грухлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.
6. Педагог ва таалабалар иш жараёнини ва натижаларни биргалиқда якуний сухбат давомида таҳлил қилишади. Ўкув амалиёти машғулотларида

эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таккослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Педагог “Лойиҳа” методини қўллаш учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни талабаларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб турши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширнинг уч хил шакли мавжуд:

- Якка тартибдаги иш;
  - Кичик гурухий иш;
  - Жамоа иши.

## 6. “Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadu» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда Очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари қуидагиларни ўз ичига қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай Канақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни		
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>		
2-босқич: аниқлаштириш ва ўқув	<table border="0" style="width: 100%;"> <tr> <td style="width: 50%;">Кейсни</td> <td data-bbox="801 1767 1392 1808"> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик терахиясини</li> </ul> </td> </tr> </table>	Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик терахиясини</li> </ul>
Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик терахиясини</li> </ul>		

топширигни белгилаш	аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларини таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш ✓
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

## 7. «Т-жадвал» усули

Т-жадвал таянч тушунчаларни бир-бири билан узаро солишириш, киёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жихатини бир неча асосий белгиларига кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда Т-жадвал мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳам иятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Машғулотларда Т-жадвалдан фойдаланиш учун талабаларнинг эътиборига куйидаги схема тақдим этилади.

### «Кичик гурухчаларда ишлаш»

#### Афзалликлари

1. Қизикарли.
2. Ҳам ма талабалар қатнашади..
- 3.
- 4.
- 5.

#### Камчиликлари

1. кўп вақт кетади.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

## **8.«Ассесмент» усули**

Ассесмент – бу инглизча сўз бўлиб, «баҳо», «баҳолаш» маъносини билдиради. Бу дастлаб мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлара жараённи самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немия ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерлар танлаш мақсадида қўлланилган технологиядир.

Ассесмент – (баҳолаш) методи – мустаҳкамлаш, баҳолаш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнікмаларини текширишга Ўз-УЗИни баҳолашга йўналтирилган. У биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқдир баёни, ўкув индивидуал тошириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал, кейс, тақдимот, эксперт қузатиш, роли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Ассесмент методи тўрт даражадаги ўзлаштириш жараёнини ичига олади. Ассесмент усули орқали талабанинг билими, кўнікмаси, малакаси аниқланади. Биз ассесмент усулини сувек синишлари касаллигини даволаш мавзусида амалий машғулот ўтказиш жараёнида қўллаймиз. Бунда ҳар бир талабага индивидуал мавзу юзасидаги 2 та саволни ёзма равишда жавоб бериш сўралади, кейин 10 та тест саволларини ечишини айтилади. Кейинги босқичда бита вазиятли масала ечилади ва охири амалий кўнікма бажартирилади. Намуна қўйида кўрсатилган.

<b>Ассесмент намунаси</b>	
<b>Тест</b>  Сон суюгининг бошчаси синганда қайси симптом қузатилади?  А.Оёқ кафтини чойшабдан уза олмаслик. Б. Чаноқ сон бўғими соҳасида оғриқ. В. Бўғим соҳасидаги чиқиши. Г.Чаноқ сон бўғими соҳасида маҳаллий ҳарорат.	<b>Муаммоли вазият</b>  Касалхонага 70 ёшли бемор чап чаноқ сон бўғими соҳасидаги ҳаракат чекланиши, юра олмаслик ва оёқни катталашганлигидан шикоят қилиб келган. Маълум бўлишича касалхонага келишидан бир соат олдин машина уриб кетганлиги натижасида шикастланган.

	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сизнинг диагнозингиз.</li> <li>2. Кўшимча текшриш режаси.</li> <li>3. Даволаш тактикаси.</li> </ol>
<p>Симптом.</p> <p>Оёқни чойшабдан уза олмаслик, симптом қандай аниқланади.</p>	<p>Амалий кўникма.</p> <p>Чаноқ-сон бўғими новокаин блокадасини «Қадамба-қадам» тартибини амалга оширинг.</p>

## 7. “SWOT-таҳлил” усули

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



## 10.“Биргаликда ўрганамиз” (“кооп-кооп”) усули ва унинг босқичлари

Иш босқичлари	<b>Фаолият шакли</b>
Гурухларни шакллантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гурухларни шакллантиради</li> </ul>
Гурухли иш осқичига кириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ҳар бир гурухга умумий мавзунинг қисмини - <i>бир</i> топшириқ беради, бу бўйича барча ўқув гурухлари уйнайди.</li> <li>➤ Гурух ичida умумий топшириқ бўлинади.</li> </ul>
Гурухларда ишлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қиласди.</li> <li>➤ Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар.</li> <li>➤ Гурух аъзоларини кичик-маърузаларини тинглайдилар. Умумий маъруза ни ифодалайдилар.</li> </ul>
Тақдимот ўтказиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Гурух сардорлари ёки ҳамма гурух иш якуни тақдимотини ўтказадилар.</li> </ul>
Баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи гурух натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказади, ғолиб-гурухни аниқлайди.</li> </ul>



## **11. Ҳамкорликда узаро ўқиши: тамойил ва қоидалари**

- 1) гурухга битта топширик;
- 2) битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йифиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятилиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, узаро ёрдам бериш каби узаро ҳаракат усуслари асосида ташкил топади;
- 5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилиятыдан келиб чиқкан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

**Графикли организерлардан** маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларидан “Инсерт” усули, “Блиц-ўйин” усулидан фойдаланилади.

## **12.“Инсерт” усули**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларнинг ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумоттага қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### 13.“Блиц-ўйин” усули

**Усулнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижалар беради.

#### Усулни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга

түғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимида ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

#### **14. Венна Диаграммаси усули**

**Усулнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита узаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Усулни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг УЗИга хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



## **15. «Давра сұхбати» усули.**

«Давра сұхбати» усули – айлана стол атрофида берилған муаммо ёки саволлар юзасидан талабалар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган үқитиш методидир.

«Давра сұхбати» методи құлланилғанда, стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир талабанинг бир-бири билан «кўз алоқаси»ни урнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзууни бошлаб беради ва талабалардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сурайди ва айлана бўйлаб ҳар бир талаба ўз фикр – мулоҳазаларни оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган талабани барча диккат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб булингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса талабаларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Белгилар: 1- таълим олувчилар. 2- айлана стол.

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир талабага конверт коғози берилади. Ҳар бир талаба конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва «жавоб варакаси»нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йуналши бўйича ёнидаги талабага узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини «Жавоблар варакаси»нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги талабага узатади. Барча Конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатлнади. Якуний қисмда барча Конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Куйида «Давра сұхбати» методининг тузилмаси келтирилган.

1. Сұхбатни ўтказиш шартлари билан таништириш.
2. Конвертлар ва «Жавоблар варакалари» ни таркатиш.
3. Саволларга жавоб ёзиш.
4. Конвертни ёнидаги ўқувчига узатиш
5. Баҳолаш ва таҳлил қилиш

«Давра сұхбати» методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи талабаларни машғулот ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир талабага биттадан Конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда нечта талаба бўлса, шунчадан «Жавоблар варакалари» тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажартилган вақт белгилаб куйилади. Талаба конвертга ва «Жавоблар варакалари» га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Талаба конверт устига мавзу бўйича ёз саволини ёзад ва «Жавоблар варақаси»га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган талаба конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган талаба конверт устидаги саволга «Жавоблар варакалари»дан бирига жавоб ёzádi ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги талабага узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган талабанинг УЗИга кайтиб келади. Савол ёзган талаба конвертдаги «Жавоблар варакалари» ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали талабалар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари, ушбу метод орқали талабаларнинг муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яралади. Бунда талабалар ўzlари берган саволларига гуруҳдаги бошқа талабалар берган жавобларини баҳолашнинг ва таълим берувчи ҳам талабаларни объектив баҳолаш мумкин.

#### **«Давра сұхбати» методининг афзалликлари:**

- Янги мавзунинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;

- Барча талабалар иштирок этадилар;
- Ҳар бир талаба УЗИнинг баҳоланиши маъсулиятини хис этади;
- Ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

**«Давра сұхбати» методининг камчиликлари:**

- күп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг УЗИ ҳам ривожланган фикрлаш кобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- Талабаларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

## **16. «Баҳс-мунозара» усули.**

«Баҳс-мунозара» усули – бирор мавзу бўйича талабалр билан узаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўtkазиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама килиниши назҳарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини талабаларнинг бирига топшириш ёки таълим берувчининг УЗИ олиб бориш мумкин. Баҳс-муноазарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир талабанинг орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишгая ҳаракат қилиш керак. «Баҳс-мунозара» методи ўtkазища қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- Барча таълим олувчилар иштирок этиш учун имконият яратиш:
- «ўнг қўл» қоидаси (қўлини кўтариб, рухсат сўраб сўнг сўзлаш)га риоя қилиш:
- Фикр-гояларни тинглаш маданияти:
- Билдирилган фикр-гояларнинг таркорланмаслиги:
- Бир-бириларига узаро ҳурмат.

Қуида «Баҳс-мунозара» методини ўtkазиш тузилмаси берилган.

1. Муаммоли савол ташланади.
2. Турли фикрлар тингланади.
3. Фикр-гоялар тўпланади

4. Таҳлил қилинади
5. Аниқ ва мақбул ечимини топиш.

#### **«Баҳс-мунозара» усулининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи талабаларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли гоя ва фикрларни ёзиб боради. Ёки бу вазифани бажариш учун талабалдан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим беруви талабаларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим беурвчи талабалар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

#### **«Баҳс-мунозара» усулининг афзалликлари:**

- Талабаларни мустақил фикрлашга ундайди;
- Талабалар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- Талабаларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилятининг ривожланишига ёрдам беради.

#### **«Баҳс-мунозара» усулининг камчиликлари:**

- Таълим берувчидан юксак бошқриш махоратини талаб этади;
- Талабаларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

### **17. «Ишбоп ўйин» усули.**

**«Ишбоп ўйин» усули** - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик

қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (таклид, акс этириш ) методи хисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-автори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларарага кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми каътий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида рол мақсадини бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли ҳарактерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал УЗИнинг вазифаси бўйича қарор қабул қиласди, сўнгра гурух билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гурух эришган натижаларига караб баҳоланади. Қуйида «Ишбоп ўйин» методининг тузилмаси келтирилган.

1. Ўйин шартлари ва баҳо лаш мезонлари билан таништириш.
2. Вазифаларни тақсимлаш.
3. Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қиласдилар.
4. Ўйинни амалга ошириш
5. Муҳокама қилиш
6. Баҳолаш.

«Ишбоп ўйин» методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Талабалар учун йурекномалар ва баҳолаш мезонларни ишлаб чиқади.
2. Талабалрни ўйининг мақсад, шартлари ва натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Талабаларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
4. Талабалар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Талабалар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга ошириадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хуласалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.  
Хар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда УЗИни қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилятини кўрсата олиши керак.

#### **«Ишбоп ўйин» усулининг афзалликлари:**

- Талабаларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- Талабаларнинг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- Талабалар ўз билимлари доирасидан келиб чиқсан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

#### **«Ишбоп ўйин» усулининг камчиликлари:**

- Таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- Вақт кўп сарфланади;
- Танланган мавзу талабанинг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- Талабанинг психиологик ҳолати тўғри қарор қабул қилишига ҳалақит бериши мумкин.

### **18. «Ролли ўйин» усули.**

«Ролли ўйин» усули – таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт шароитларини сахналаштириш орқали курсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга «Ролли ўйин» методида талабалр таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, «Ишбоп ўйин» методида роль ижро этувчилар

маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равища ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган.

Роли ўйинлар талабаларда шахслараро муаммолар малакасини шакллантиради.

«Ролли ўйин» методида таълим берувчи талабалар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашида ҳар бир талабанинг индивидуал ҳарактери, хулқ автори мухим аҳам ият касб этади. Танланган мавзулар талабаларнинг ўзлаштириш даражсига мос келиши керак. Роли ўйинлар ўкув жараёнида талабаларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида «Ролли ўйин» методининг тузилмаси келтирилган:

1. Сценарий ишлаб чиқилади.
2. Ўйининг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Роллар тақсимланади
4. Роллар ижро этилади.
5. Якуний хulosага келинади.

#### **«Ролли ўйин» усулининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйининг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийси ишлаб чиқилади.
2. Ўйининг максад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйининг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Талабалар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа талабалар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида талабалрдан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган талабалар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйин яқунланади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда талабаларни ҳам сценарий ишлаб чиқишига жалб

этиш мумкин. Бу талабалар мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан буйиа ўтилаётган мавзуга мос равиша, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Талабалар ушбу ролли ўйин **кўринишидан** сўнг ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чикаришлари лозим.

#### **«Ролли ўйин» усулининг афзаллик томонлари:**

- Талабаларда мотивация ( қизиқиш ) ни шакллантиришга ёрдам беради;
- Талабаларда муомала маданиятинини шакллантиради;
- Назарий билимларни амалиётда қўллашга ўргатади.
- Талабаларда берилган вазиятли таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

#### **«Ролли ўйин» усулининг качилик томонлари:**

- Кўп вақт талаб этилади.
- Таълим берувчидан педагогик маҳорат ва маъсулият талаб этилади;
- Талабаларнинг ўйинга тайёргарлик турлича бўлиши мумкин;
- Барча талабаларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин;

### **19. «Йўналтирувчи матн» усулининг босқичлари:**

1. Педагог топшириқларни, тарқатма материалларни ва йўналтирувчи саволларни ишлаб чиқади

<b>МАҚСАД:</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>	<b>ЙЎНАЛТИРУВЧИ САВОЛЛАР</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>	<b>ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>	<b>ЧИЗМАЛАР, СХЕМАЛАР</b>  
<b>ТОПШИРИҚ ТАЪРИФИ:</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>			

2. Талабалар мустақил равища дарслик, схемалар, тарқатма материаллар, йўналтирувчи саволлар асосида топшириқка оид маълумотлар йиғадилар ва «Йўналтирувчи матн» тузадилар.
3. Сўнгра талабалар мустақил равища «йўналтирувчи матн» асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида талабалар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетликни, материал, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситаларни режалаштириши лозим.

<b>ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН:</b>

ИШ РЕЖАСИ			
№	Иш тартиби	Зарур бўлган асбоблар	Вақт

4. Талабалар педагог билан биргаликда қабул **қилинган** қароралар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Талабалар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул қиласидар, педагог эса факат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.
5. Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равища якка тартибда ёки гуруҳларда амалга ошириладилар. Бу босқичда талабаларнинг амалий қўнималари шаклланади. Педагоглар топшириқнинг бажарилиши «Назорат варақаси»га қайд қилиб боради.

**БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

№	Мезонлар	Ўқувчи Ф.И.Ш.

**НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ**

№	Ўқувчи Ф.И.Ш.	Мезонлар

6. Талабалар иш натижаларини ўзларини текширадилар ва «баҳолаш варақаси» ни тўлдирадилар. «Баҳолаш варақаси» да сифат мезонлари, яъни талаб этилган меъёрлар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.

7. Педагог ва талабалар биргаликда иш жараёнини ва эришилган натижаларни якуний суҳбат давомида таҳлил қиласидилар. Ушбу суҳбатда барча талабаларнинг натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

«Йўналтирувчи матн» методи «Лойиҳа» методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қўйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин.:

- «Йўналтирувчи матн» методи талабаларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;
- «Лойиҳа» методи эса талабаларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишида керак бўладиган шахсий қобилятлар ва кўнижмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

## **«Йўналтирувчи матн» усулининг афзалликлари:**

- Талабаларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- Талабаларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради.
- Талабаларда мулоқот қилиш, ўз натижаларини УЗИ текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- Талабаларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қарор қабул қилиш қаби кўникмаларни ривожлантиради

## **«Йўналтирувчи матн» усулининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб қиласди;
- танланган мавзу талабанинг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- таълим беурвчидан катта тайёргарлик қўриш талаб этилади.

## **20. «Гурухли лойиҳалаш» усули.**

Ушбу усульнинг мақсад -талабаларида илмий тадқиқот ва илмий изланиш ўтказишга бўлган қизиқишини пайдо қилиш, маълумотлар тўплаш, адабиётлар билан ишлаш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беришдан иборат.

### **Лойиҳани тайёрлаш мезонлари.**

- Мақсад ва вазифаларни шакллантириш: осон, аниқ ва реал бажара оладиган бўлиши.
- Долзарблиги: ўтилаётган мутахассислик бўйича олинган муаммони ечишга қаратилган бўлиши.
- Танланган муаммо бўйича адабиётлар шарҳини тайёрланади.
- Лойиҳада мутахассислик соҳаси ишини такомиллаштириш йуллари ташкил этилади.

### **Гурухли лойиҳа ишни ўтказиш босқичлари.**

- I. Лойиҳа ўтказиш жойини танлаш (шифохоналар, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослаштирилган бўлимлар, диспансер

назорат муассасалари, мактаб, мактабгача таълим муссасалари ва бошқалар).

- II. Маълумотларни йиғиш учун тиббий хужжатлар (касаллик тарихи, амбулатор карталара, анкета ва сўровномалар).
- III. Маълумотларни қайта ишлаш учун компьютер технологияларининг бўлиши.
- IV. Лойиҳа тайёр бўлгандан сўнг ўқитувчиларга тақдим этишади ва гурухда презентация тақдимоти кўринишида ҳимоя қилинади.
- V. Лойиҳанинг ҳимояси талабаларда кўпчиликни олдида нутқ сўзлаш кобилиятини шакллантиради, талабаларни кўпроқ ўқишига ва билимларини чукурлаштиришига ундейди.
- VI. « Group project” усулини УАШ циклларида клиник ординатура ва магистратура босқичларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки дарс жараёнида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиришига; ёзма ва оғзаки нутқни ривожланишига; дарс жараёнида талабаларни фаоллашишига; талабаларда мотивация (қизиқиш ) ни оширишига ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллай олишига ўргатади.

### **III.Интерфаол технологиялар натижасини объективлаштирувчи тамойиллар.**

#### **3.1.“Кейс стадии» вазиятлари.**

1. Бемор 70 ёшда кўчада йиқилиб ўнг оёғи функцияси бузилган. Ўнг чаноқ сон бўғимида оғриқ, шиш бор. Беморда оёқ кафтини чойшабдан уза олмаслик белгиси аниқланмоқда.

Савол: bemorni tekшиiriш usullari, tashxislash va davolaش usullari.

2. Бемор 9 ёшда. Касалхонага келишдан 1 соат аввал дараҳтдан йиқилиб шикастланган. Чап тирсак бўғими соҳасида шиш, шакл бузилиши ва

ҳаракатларнинг кескин чегарланиши аниқланмокда. Гютер учбурчаги ва Марказ чизиги контуралари бузилган.

Савол: Беморни текшириш режаси, ташхислаш ва даволаш усуллари.

3. Аёл 60 ёшда. Уйда йиқилган ва кафтига ( ички юзасига ) таяниб қолган. Билак соҳасида шиш, орқа томонга бўқилган шок бузилиши ва суяқ қисирлаши кузатилмоқда.

Савол: Беморни текшириш режаси, ташхислаш ва даволаш режаси.

4. Бемор аёл 67 ёшда. Уйда йиқилган ва ўнг қўл кафти ички юзасига зарба олиб қўл кафтида орқа томонга деформация вужудга келган.

Савол: Беморни текшириш режаси. Ташхиси. Даволаш тактикаси.

5. Бемор 36 ёшда. Қурилишда ишлаётган пайтда 5 метр чамаси баландликдан йиқилиб, вертикал ҳолатда ерга урилган. Беморда иккала товон соҳасида шиш, шакл бузилиши ва оғриқ бор. Бемор бел соҳасидаги оғриққа шикоят қилмоқда. Сезгилар сақланган. Чаноқ органлари функцияси бузилмаган.

Савол: Текшириш режаси. Ташхиси. Даволаш тактикаси.

6. Бемор 27 ёшда калтакланган. Кўкрак қафасини ўнг томонидаги оғриқдан шикоят қилмоқда. Кўрилганда Linia axillaris anterior чизигида 7-8-9 қобирғалар соҳасида оғриқ бор.

Савол: Текшириш режаси. Ташхис. Даволаш.

7. Бемор 28 ёшда. Йиқилиб шикастланган. Ўнг елка бўғимида оғриқ, ҳаракатларни кескин чегараланганини, пуржинасимон қаршилик белгиси кузатилмоқда.

Савол: Текшириш режаси. Ташхис. Даволаш усуллари.

8. Бемор 6 ойлик чақалоқ. Беморда чап оёқни ташқи томонга ротацияси. Соң соҳасида тери бурмаларининг асиметрияси кузатилмоқда.

Савол: Текшириш режаси. Ташхис. Даволаш режаси.

9. Бемор 10 ёшда. 1 кун аввал дараҳтдан йиқилиб чап елка сұягининг дистал қисмидан синган. Касалхонада bemорни сұяқ парчалари репозиция қилиниб, гипс боғлами қўйилган. Бемор бугун касалхонага қайта мурожаат қилмоқда. Беморни чап қўлида бармоқлари асосидан елкани юқори қисмигача гипс боғлами бор. Бармоқлари кукарған, шиши бор, ҳаракатлар йўқ.

Савол: Ташхис. Даволаш тактикаси.

10. Бемор 28 ёшда. Футбол ўйини пайтида йиқилиб шикастланган. Ўнг тизза бўғими соҳасида шиши, оғриқ бор. Ҳаракатлар чекланган. Рентгенограммада сұякларда ўзгариш топилмади.

Савол: қўшимча клиник белгилар. Ташхис. Даволаш.

11. Эркак киши 45 ёшда, оғир юк кўтариш пайтида ўнг елка соҳасининг юқори қисмida оғриқ хис қилди. Кўринганда билакни тирсак бўғимида буқилиш суст. Елкани икки бошли мусқулини тонуси оширилганда юқори қисмida чуқурча борлиги ва тонусни нисбатан пастлиги ҳамда оғриқ хисси ошганлиги аниқланмоқда.

Ташхис? Даволашни ёшларда ва кексаларда УЗИга хослиги.

12. Касалхонага 63 ёшли аёл елкани 7 кун аввал содир бўлган чиқиги билан келди. Беморнинг умумий аҳволи қониқарли. Маҳаллий оғриқсизлантириш йўли билан Кохер Джанелидзе. Гиппократ усулларида чиқишни жойига солищдан натижабўлмади.

Савол : Врачни ҳаракатларига баҳо беринг нима қилиш керак?

13. Бемор 27 ёшда. Касалхонага келишидан 1 соат аввал дараҳтдан йиқилиб шикастланган. Ўша пайтда қўли тирсак бўғимида бўқилган ҳолатда бўлган. Елка соҳасида кучли оғриқ пайдо бўлган. Беморни қўрилганда елка соҳасида ўрта қисмida шакл бузилиши, патологик ҳаракат ва сұяқ қисрлаши аниқланмоқда. Ўнг қул функцияси бузилган.

Савол: Дастребаки ташхис? Қўшимча текшириш усуллари?

14.Бемор 22 ёшда. Касалхонага келишидан 4 соат аввал велосипеддан йиқилиб шикастланган текширишлар натижасида bemorда гемоартроз ҳамда тизза бўғими ички ёнбош бўғимининг узилиши ташхиси қўйилган.

Савол: Даволаш тактикаси?

15.Бемор 40 ёшда. Кўчада йиқилиб чап чаноқ соҳаси билан йўл четида бетон тўсиққа урилган. УЗИ мустақил тура олмаган. Шикастланган соҳадаги оғрикқа шикоят қилмоқда. Чап ёнбош суяги қаноти соҳасида шиш ва қонталаш кузатилмоқда. Ёнбош суяги пальпациясида ва ўқи бўйича юкламасида оғриқ кучайяпти. Рентгенограммада ёнбош суяги синифи аниқланяпти.

Савол: Беморни даволаш тактикаси?.

16.Бемор 44 ёшда. Ўнг елка суягини дистал қисмида дўнглар устидан ёзилган олатдаги синиш аниқланмоқда. Ёник усулда 2 маротаба репозиция қилинди.

Савол: Нима қилиш керак? Даволаш давомийлиги?.

17.Бемор 46 ёшда. Автомобил деворга қисиб қўйиши натижасида шикастланган. Текшириш натижасида VII, VIII, IX, X қобирғаларининг ўнг томонида орқа қўлтиқ ости чизиги бўйича синганлиги аниқланмоқда. Ички органлар ва танани бошқа жойларида шкастланиш аниқланмади.

Савол: Даволаш тактикаси?

18.Бемор 20 ёшда, йиқилиб шикасланган. Чап билак суягини одатдаги жойдан бўқилган ҳолатда синганлиги аниқланмоқда (Смит синифи) .

Савол: Бемор қандай даволанади?

19.Беморда клиник ва рентгенологик текширишлар натижасида сон суяги дистал метафиз қисмида синганлиги аниқланмоқда.

Савол: Суяк парчаларини тасвирланг. Бундай синишларда кузатиладиган хавф нимадан иборат?

20. Бемор 38 ёшда, велосипеддан йиқилиб шикастланган. Ренгенограммада ўнг кўрак суягининг бўйинча қисмида силжиган синиги аниқланмокда.

Савол: Даволашни УЗИга хос хусусиятлари?.

21. Бемор 19 ёшда велосипеддан йиқилиб, шикастланган. Чап оёғининг кичик болдир суягининг бўйинчасидан синиши аниқланмади. Оёқ кафти функциялари бузилган, кўтариш, узоклаштириш ва пронацияни иложи йўқ. Болдирининг пастки қисмида ва оёқ кафтини олдинги юзасида гипостезия аниқланди.

Савол: Синиш қандай асоратни келтириб чиқаради?

22. Бемор 26 ёшда бинонинг 3 қаватидан йиқилиб шикасланган. Ўнг сон суягини марказий чиқиғи аниқланган. Каражтиликдан чиқарилган.

Савол: навбатдаги даволаш муолажалари?

23. Беморда ўнг оёқ иккала тўпигининг пронацион обдукцион синиши, катта болдир суяги орқа қирғоғининг синиб силжиши ва оёқ кафтининг ташқарига чиқиши аниқланди. Чиқиш жойига солинди. Суяк парчалари репозиция қилинди.

Савол: Иммобилизация тури ва давомийлиги?.

24. Бемор 32 ёшда дараҳтдан йиқилиб шикастланган. Чап сон суягининг диафиз қисми ўртасидан синиб силжиши аниқланди.

Савол: Даволаш тактикаси?

25. Бемор 65 ёшли аёл. Ариқдан сакраб ўтиш пайтида йиқилиб шикастланган ўнг сон суягини бўйинчасида транссервикал синик аниқланди.

Савол: даволаш тактикаси?.

26. Бемор 18 ёшда. Спорт машғулоти машкини бажаришда қўли ёзилган ҳолатда йиқилган. Ўнг тирсак бўғими соҳасида кучли оғриқ пайдо бўлган ва қўл функцияси бузилган. Бўғим соҳасида шакл бузилиши кузатилмоқда ва тирсак ўсимтаси буртиб чиқиб турибди. Билак соҳаси калталашган ва

ҳаракатлар кескин чекланган. Гютер учбурчаги ва чизиги контурлари бузилган. Пуржинасимон қаршилик белгиси аниқланмокда.

Кўшимча текшириш усуллари? Диагноз? Даволаш.

27. Бемор 42 ёшда, машина уриб кетиши натижасида шикастланган. Чаноқни олдинги қисмида чап тамондаги оғриққа шикоят қилмоқда. Чап чов соҳасида шиш аниқланмокда, пальпацияда кучли оғриқ безовта киляпти. Лоррея белгиси мусбат, Рентгенограммада қов суюгининг иккала шохида синиб силжимаган синиши аниқланмаяпти.

Даволаш тактикаси?

28. Бемор 30 ёшда. Ўнг қўл кафти 1 бармоқ ўқи йўналишида зарба олган. Билак

кафт бўғимини билак томонида катта шиш ва шакл бузилиши қузатиляпти. «Анатомик табакерка» контурлари текисланган. I-бармоқка берилган таъсирлар кучли оғриққа сабаб бўлмоқда. Рентгенограммаларда I-кафт суюгини орқага **чиқиши** ва учбурчаксимон суюк парчасини силжиган ҳолати аниқланмокда.

Ташхис?. Даволаш?

29. Бемор 35 ёшда. Касалхонага келишидан 1 кун аввал 1 каватли уйнинг томидан йиқилиб шикастланган. Кўкрак қафасининг чап томонидаги оғриқдан ва нафас қисишидан шикоят қилмоқда. Текшириш натижасида IX қобирғани орқа қўлтиқ ости чизиги бўйин суюқлик борлиги (кўрак суюги бурчаги қисмигача). Плевра пункциясида тўқ қизил рангли қон олинди. Рувилуа – Регуара пробаси манфий (қон ивимаяпти).

Диагноз?. Даволаш татикаси?

30. Бемор 48 ёшли эркак, тратурада сирғаниб, орқага қўли чУЗИлган ҳолатда йиқилган. Ўнг елка бўғимида кучли оғриқ сезган. Бемор қўлинини авайлаган ҳолатда чиғаноқ соҳасида танага якинлашган ҳолатда ушлаб турибди, елка суюги бошчаси жойидан силжимаган. Тирсак соҳасидан ушлаб қўлни буралгандан, бошга таъсир килмаяпти.

Пальпацияда хирургик бўйинча соҳасида кучли оғриқ бор.

30. 1. Даастлабки ташхис

- а) Елка суюгининг анатомик бўйинчасини синиши.
- б) Елка суяги хирургик бўйинчасини синиши.
- в) Елка суяги диафиз қисмини юқори 3/1 соҳасидан синиши .

30.2. Шу bemорни ренгенологик текширишни УЗИга хос хусусиятлари.

- а) Елка суяги фронтал текисликдаги рентгенографияси.
- б) Елка суяги оксил кўринишдаги рентгнеографияси.
- в) Елка суюгини трансторокал проекциядаги рентгенографияси.

30.3. Беморни транспорт иммобилизацияси.

- а) Дитерхс шинаси билан
- б) Ельнский шинаси билан
- в) Крамер шинаси билан
- г) Кузинский шинаси билан

30.4. Даволаш иммобилизация усули.

- а) Дезо боғлами
- б) Нарвонсимон шина
- в) Косинкали боғлам
- г) Торокобронхиал гипс боғлами.

31. Бемор 60 ёшли аёл кўчада сирғаниб, қўл кафти ёзилган ҳолатда тираниб ииқилган. Бемор ҳолатларда билак –кафт бўғими соҳасидаги оғриқдан шикоят килинмоқда. Билак соҳасининг дистал қисмида шиш бор, билак-кафт бўғимида ҳаракатлар чекланган. Билак суюгининг дистал қисмида пайпаслагандан кучли оғриқ бор.

31.1. Ташхис.

- а) Билак суюгини одатий жойда букилиб синиш;
- б) билак одатий жойидан ёзилиб синиши;.
- в) Билак суякларининг пастки 3/1 қисмидан синиши;

31.2. Диагноз аниқлаш учун килинаиган Рентгенограмма проекцияси.

- а) тўғридан қилинадиган проекция;
- б) қийшиқ проекцияда;
- в) ёнбош проекцияда ;

31.3. Репозиция қилишдаги оғриқсизлантириш усули.

- а) маҳаллий;
- б) наркоз;
- в) йўналтирилган;

31.4. Диагнозни аниқлаш учун қилинадиган Рентгенограмма проекцияси.

- а) тўғридан қилинадиган проекция;
- б) қийшиқ проекцияда;
- в) ёнбош проекцияда.;

31.5. Репозиция қилишдаги оғриқсизлантириш усули.

- а) маҳаллий;
- б) наркоз;
- в) йўналтирилган;

31.6. способ репозиция костных отломков.

- а) қўл кафти ёзилган ҳолат;
- б) қўл кафти бўқилган ҳолатда;
- в) қўл кафтини тирсак томонга буккан ҳолат;
- г) кафтни пропация ҳолатда;

32. Бемор 30 ёшда, кўрак қафасини чап томонида чуқур нафас олганидаги оғриқдан шикоят қилмоқда. Йиқилиш пайтида Кўкрак кафаси стол чекасига урилган.

32.1. Биринчи врачлик ёрдами пайтида оғриқсизлантириш усул.

- а) наркотиклар
- б) анальгетиклар
- в) маҳаллий новокаинли блокада.

32.2. Биринчи врачлик ёрдами пайтида bemorni транспортировка қилиш.

- а) бош остига ёстик қўйиб ётган ҳолатда.
- б) яrim ўтирган ҳолатда.

32.3. Бемор 72 ёшда. “Тез тиббий ёрдам” ходимлари кўчадан олиб келишган. Йиқилиб ўнг ёнбош соҳаси билан ерга урилган. Оёғи ташқарига ротация

холатида, 2 см калталашган. Оёги тўғри ҳолатга келитиришга қилинган ҳаракатда ўнг чаноқ-сон бўғими соҳасида кучли оғриқ сезиляпти.

33. Ташхис.

- а) сон суяги бўйинчасининг аддукцион синиши
- б) сон суяги катта дунгини синиши
- в) сон суяги проксимал қисмининг вертеллараро синиши.

33.1. Биринчи врачебник ёрдам бериш босқичида оғриқсизлантириш усули.

- а) Анальгетиклар;
- б) вена ичи оғриқсизлантириш усули;
- в) маскали наркоз;

33.2 Бирични ёрдамида иммобилизация воситаси:

- а) Крамер шинаси;
- б) Гипс боғлами;
- в) Дитерхс шинаси;

33.3. Беморнинг аҳволи стабиллашгандан кейин эфектив даволаш усули:

- а) Спонгиоз шуруп билан остеосинтез;
- б) Смит-Петерсон михи билан остеосинтез;
- в) Эндопротезлаш;

34. Бемор 48 ёшда, мототравма натижасида шикастланган. Ўнг сон соҳасида шоки бузилиши, патологик ҳаракат, суяк крепитацияси аниқланмоқда.

34.1. Биринчи ёрдам ҳажми

- а) Оғриқ қолдириш, транспорт иммобилизацияси;
- б) Новокаинли блокада;
- в) Орқа мия анестезияси;

34.2. Текшириш усули.

- а) Рентгенография;
- б) УЗИ;
- в) МРТ;

35. Бемор 26 ёшда, йиқилиб шикастланган. Рентгенологик текшириш натижасида чап елканинг чиқиши, 1 бармоқни ёзилиши иложи йўқ. A.radialis да пульсация суст. (ўнг тамонга нисбатан); .

35.1. Чиқиши жойига солиш.

- а) Шошилинч равища;
- б) Невропатолог кўрувидан сўнг ;
- в) Хирург кўрувидан сунг;.
- г) Режали равища;

35.2. Чиқиши жойига солишдаги оғриқсизлантириш усули:

- а) Бўғим ичига новокаин юбориш;
- б) наркоз;
- в) спинал анестезия;

35.3. Чиқиши бартараф килгандан сўнг иммобилизация усули:

- а) Косинка боғлами;
- б) ЦИТО шинаси;
- в) Дезо боғлами;
- г) Торакобронхиал гипс боғлами.;

35.4. Иммобилизация вақти.

- а) 2 хафта;
- б) 1 хафта;
- в) 3-4 хафта;
- г) 8 хафта;

35.5. Шикастланган нерв.

- а) n. medionus;
- б) n.ulnaris;
- в) n.radialis;

### **3.2.Тест топшириқлари**

1.«Травматология» фани шуғулланадиган объекти:

- а.Шкастланишлар;
- б. Жароҳатлар;
- в. Суяк синишлари;
- г. Бўғимлардаги чиқишлиар;
- д. Таянч – ҳаракат тизими шикастланишлари;

2. «Ортопедия » фани шуғулланадиган объекти:

- а.Таянч – ҳаракат тизими туғма ва ортирилган шакл бузилишилари;
- б. Туғма шакл бузилишилар;
- в.Ирсий касалликлар;
- г.Суяклар патологияси;

3. «Ортопедия» сўзини биринчи бўлиб ишлатган автор:

- а.Николас Андри;
- б. Гиппократ;
- в. Гален;
- г.Уотсон-Джонс;
- д.К.Цельс;

4.Гипс боғламини амалиётга олиб кирган олим:

- а. Абу Али Ибн Сино;
- б. Н.И.Пирогов;
- в. Матиссон;
- г.Турнер;
- д.Лоренц;

5. Рентген нурлари неchanчи йили кашф килинган:

- а.1701й;

б. 1810й;.

в. 1895й;

г.1900й;

д.1917й;.

6.Ўзбекистонда «остеомиелит» муаммосини ҳал қилишга тизимли ёндошган олим:

а. Н.М.Шаматов;

б. Б.М.Миразимов;

в. Ш.Ш.Хамраев;

г.М.Ж.Азизов;

д.М.Д.Дўсмуродов;

7. Мўмиё препаратини суяк регенерациясидаги ролини илмий асослаган олим:

а. У.С.Исламбеков;

б. Т.Унгбоев;

в. М.А.Федосеева;

г. И.Х.Ишонходжаев;

д.О.Ш.Шокиров.;

8. Хорнер учлигини пайдо бўлиши ниманинг белгиси?

а. Школьников – Селивенов биокардасининг эффективлиги белгиси;

б. Вишневский усулидаги вагосимпатик блокада тўғрилиги;

в. Футляр блокада тўғрилигини;

г.Паранефрал блокида эффективлиги;

д.спинал анестезия эффективлиги;

9. Суяклар синиб силжиши қайси усулда аниқланади?

- а. Рентгенография;
- б. Ангиография;
- в. УЗИ;
- г. Фистулография;
- д. Денситометрия;

10. Құл ва оёқни калталиги қандай аниқланади:

- а. Пальпация;
- б. Сегментни рентгенографияси;
- в. Аускультация;
- г. Фақат үзгарған құл ёки оёқни ўлчаш билан;
- д. Құл ва оёқни таққословчи ўлчаш билан;

11. Синишлар диагностикасида күп ишлатыладиган усул.

- а. КТ;
- б. МРТ;
- в. УЗИ;
- г. Рентгенография;
- д. Денситометрия;

12. Бұғимлардаги ҳаракат амплитудаси ўлчанадиган асбоб:

- а. Тенометр;
- б. Циркул;
- в. Тикувчилар лентаси;
- г. Учломер;
- д. Илизаров аппарати.

13.Рентгенографияни изохлашда фойдаланиладиган асбоб:

- а.Ортопедик мослама;
- б. Лупа;
- в. Микроскоп;
- г. Негатаскоп;
- д.Кўзойнак;

14. Иммобилизация қилишни умумий қоидалари.

- а.Соҳа букилган ҳолатда бўлиши;
- б. Соҳани суюкнинг йўналиши бўйича ҳаракатсизлантириш;
- в. Соҳанинг битта бўғим билан иммобилизацияси;
- г.Соҳанинг ёзилган ҳолатда иммобилизацияси;
- д.Физиологик ҳолатда иккита бўғим билан иммобилизация;

15. Суяк синишини даволаш мақсади:

- а.Функциясини тиклаш;
- б. Суяклар тўғри репозицияси;
- в. Даволаш нархини минимизацияси;
- г. Операциясиз даволаш;
- д.Соҳа имоблизацияси.

16.БИОС усулининг афзаллиги:

- а. Ҳаракатларни синган жойини стабил туриши натижасида эрта бошлишни имконини беради;
- б. Традицион усулларда фарқи йўқ;
- в. Кеч ҳаркатланишга олиб келиш сабаб бўлади;
- г.Бўғимлар контрактурасига олиб келади;
- д.Гиподинамияга сабаб бўлади.

17. Тирсак суяги диафизини синиб, билак суяги бошчасининг чиқиши бу:

- а. Монтеджа;
- б. Смит;
- в. Коллес;
- г. Галиации;
- д. Беннет синиши.

18. Билак суяги диафиз қисмининг синиб тирсак суяги бошасини чиқиши бу:

- а. Галиации;
- б. Монтеджа;
- в. Беннет;
- г. Дюпюонтрен;
- д. Смит синиши;

19. Радиоульнар бурчак нормада неча градус бўлиши керак?

- а.  $10^0$ ;
- б.  $20^0$ ;
- в.  $30^0$ ;
- г.  $40^0$ ;
- д.  $50^0$ ;

20 Суяк синишининг абсолют белгисини топинг?

- а. Функция бузилиши;
- б. Оғриқ;
- в. Шиш;
- г. Крепитация;
- д. Терини рангини ўзгариши.

21. Суяқ синишини нисбий белгиси:

- а. Шакл бузилиши;
- б. Патологик ҳаракат;
- в. Крепитация;
- г. Тери остида суяқ парчасининг сезилиши;
- д. Функция бузилиши.

22. Қўл шикастланганда ишлатиладиган стандарт тахтакач:

- а. Дитерхс;
- б. Еланский;
- в. Кузминский;
- г. Крамер;
- д. ЦИТО тахтакачи;

23. Оёқ транспорт иммобилизацияси учун ишлатиладиган стандарт тахтакачи:

- а. ЦИТО;
- б. Крамер;
- в. Еланский;
- г. Дитерхс;
- д. Кузминский тахтакачи;

24. Елка суяги синифида қўйиладиган гипс боғлами:

- а. Коксит;
- б. Тутор;
- в. Торокобронхиал;
- г. Корсет;
- д. Этикча;

25. Соң сүяги синиғида қўйиладиган гипс боғлами.

- а. Торокобронхиал;
- б. Тутор;
- в. Коксит;
- г. Корсет;
- д. Торококраниал.

26. Тизза бўғими шикаслангандаган қўлланиладиган гипс боғлами:

- а. Гипсли этикча;
- б. Тутор;
- в. Коксит;
- г. Торокобронхиал;
- д. Корсет.

27. Қобирғалар синишида қўлланиладиган новокаинли блокада:

- а. Суяқ синган жой блокадаси;
- б. Қобирғалараро блокада;
- в. Қобирға усти блокадаси;
- г. Паранефрал блокада;
- д. Шнек блокадаси.

28. Кўкрак қафаси оғир шикастланишида қўлланиладиган новокаин блокадаси:

- а. Школьников-Селиванов;
- б. Вишневский;
- в. Паранефрал;
- г. Қобирғалараро;
- д. Футляр.

29.Чаноқни мураккаб шикастланишларидағи чаноқ ичи новокайнли блокадаси:

- а. Школьников-Селиванов;
- б.Вишневский;
- в. Футляр;
- г.Маҳаллий;
- д.Паранефрал.

30.Тизза бўғимининг инвазив текшириш усули.

- а.УЗИ;
- б.МРТ;
- в. КТ;
- г.Рентгенография;
- д.Артроскопия;

31. Сон сяги бошчасининг сүякланиш ядроси чақалоқ неча ойлик ёшида пайдо бўлади.

- а.2 ой;
- б.3 ой;
- в. 4 ой;
- г. 5 ой;
- д.6 ой;

32.Чаноқ- сон бўғими дисплазия тушунчаси нимани англатади?

- а.Сирка косасини ривожланши аномалияси;
- б.Сон сяги проксимал қисмини аномалияси;
- в. Чаноқ- сон бўғими элементлари аномалияси;
- г.Сон сягининг туғма чиқиши;
- д.Сон сягининг вирус деформацияси;

33. Чаноқ-сон бўғими дисплазиясига гумон бўлган да дастлаб қилинадиган муолажа:

- а. Кенг йургаклаш;
- б. Вишневский шинасини қўллаш;
- в. Лоренц усулинни яратиш;
- г. ЦИТО шинасини қўллаш;
- д. Фрейк ёстигини қўллаш .

34. Маркс - Ортолони белгиси қанча вақтгача аникланиши мумкин.

- а. 2 ойгача;
- б. 3 ойгача;
- в. 4 ойгача;
- г. 5 ойгача;
- д. 6 ойгача;

35. 1 ёшдан катта болаларда кузатиладиган сони туғма-чиқиши белгиси.

- а. Волков;
- б. Дедова;
- в. Тер Егназаров;
- г. Тределенбург;
- д. Осмонов;

36. Бўйинча - диафиз бурчаги нормада неча градус бўлиши керак?

- а.  $110^0$ ;
- б.  $120^0$ ;
- в.  $127^0$ ;
- г.  $140^0$ ;
- д.  $150^0$ ;

37. Ошик- товон бурчаги неча градус бўлиши керак?

а. $10^0$ - $15^0$ ;

б. $20^0$ - $25^0$ ;

в.  $20^0$ - $40^0$ ;

г. $30^0$ - $40^0$ ;

д. $40^0$ - $50^0$ ;

\

38. Маймоқ оёқни даволашда қўлланиладиган боғлам:

а. Волков;

б.Дедова;

в. Тер-Егназаров;

г.Финк-Эттингер;

д.Турнер.

39.Чаноқ суяги шикастланганда bemorni транспортировка қилишдаги ҳолати?

а. Гришин;

б.Волкович;

в. Чаклин;

г.Волков;

д.Вреден.

40.Сон суяги диафиз қисмини ёпик синиб силжиган синифини даволаш тартибининг кетма-кетлигини аниклаш::

а.БИОС усулидаги остеосинтез;

б.Дитерхс шинаси билак транспорт иммобилизацияси;

в. Оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар инъекцияси;

г.Рентгенография қилиш;

д.Орқа мия анестезияси.

41. Болдир суяклари синишини абсолют белгиси хос эмас белги?

- а.Крепитиация;
- б.Патологик ҳаракат;
- в. Тери остида суяк парчаларининг пальпацияси;
- г.Шакл бузилиши;
- д.Тери гиперемияси.

42. Болдир суяклари Очиқ чиқиб силжишида даволаш эффектив усули:

- а.БИОС;
- б.компрессион-дистракцион усул;
- в. Гипс боғлами;
- г.Тана тортмаси;
- д.Пластина билан экстрамедуляр остеосинтез.

43. Блокловчи интрамедуляр остеосинтез суякни ўқи бўйича фаоллаштиришни таъминлайди.

- а.қисқа вақт ичида;
- б. пластина билан остеосинтез қилингандек вақт ичида;
- в. Узок вақтда;
- г. Таъминламайди;
- д. Секинлаштиради.

44. Тирсак ўсимтаси синифида қўйиладиган гипс боғламининг ҳолати.

- а.Тирсак бўғимида буқилган ҳолатда;
- б. Физиологик ҳолатда;
- в. Билак супинайча ҳолатида;
- г. Билак пронация ҳолатида;
- д. Тирсак бўғимида ёзилган ҳолатда.

45. Билак суягининг типик жойдан синиши:

- а.Проксимал эпифизида;
- б. Проксимал эпиметафиз;
- в. Диафиз;
- г. Билак суягини ҳам ма синиши;
- д. Дистал эпиметафиз;

46. Ўмров суягини диафиз қисмида синишда маркзий сүяк парчасини типик силжиши.

- а.ташқарига;
- б. пастга ва олдинга;
- в. Ротация;
- г. тепага ва орқага;
- д. силжимайди.

47. Ўмров -акромиал боғламиининг узулишида қузатиладиган белги.

- а. «Шоти» белгиси;
- б. «Чойшабдан узилмаслик»;
- в. «Погона» белгиси;
- г. «Клавиш» белгиси;
- д. «Галифе» белгиси.

48.1-3 қобиргаларнинг асоратланмаган синишида оғриқ қолдириш;

- а.қобирғалараро новокаинли блокада;
- б.наркоз;
- в.передураль анестезия;
- г.Оғриқ колдирилмайди;
- д.Регионал анестезия.

49. Гемотораксда плевра бўшлиғи қайси жойдан пункция қилинади.

- а. Олдинги қўлтик ости чизигидан 4-5 қобирға оралигидан;
- б. Ўрта ўмров чизигидан 2-3 қобирға оралигидан;
- в. Ўрта қўлтик ости чизигидан 4-5 қобирға оралигидан;
- г. Орқа қўлтиксда қайси жойдан плевра бўшлиғи пункция қилинади.

50. Ўмров суягини қандай синиши шошилинч операцияга кўрсатма бўлади.

- а. Суяк парчаларининг силжиши;
- б. Болаларда ҳамма ҳолатда;
- в. Ҳамма синиш ҳолатида;
- г. Кон томир шикастланишида, ҳамда суяк парчаларини; тешиб чиқиши хавфи борлигига;
- д. Ҳеч қайси ҳолат шошилинч операцияга курсатма эмас.

51. Катта болдир суяги ички бўғим дунглиги эзилиб синишида кузатиладиган шакл бузилши.

- а. Вальгус;
- б. Варус;
- в. Буқилиш ҳолати;
- г. Ёзилиб колиш ҳолати;
- д. Рекурвация ҳолати.

52. Тизза қопқоғи суяги синганда иммоблизация ҳолати.

- а. Тизза бўғимида  $45^0$  бўқилган ҳолат
- б. тизза бўғимида  $90^0$  бўқилган ҳолат
- в. Оёқнинг  $180^0$  ёзилган ҳолатида.
- г. иммоблизация қилинмайди .
- д. Варус ҳолатида.

53. Тизза қопқоғи суяги синганда кузатиладиган симптом:

- а.Байков симптоми;
- б. Чаклин симптоми;
- в.Түғриланган оёқни күтара олмаслик;
- г.Орқага «ҳаракатланувчи қути» симптоми;
- д.Олдинга «ҳаракатланувчи қути» симптоми;

54.Тавон суягини эзилиб синишида Бёлер бурчагининг ҳолати.

- а.кattalaшади;
- б.Кичиклашади;
- в.Ўзгармайди;
- г.Ўлчанмайди;
- д. $90^0$  га teng бўлади.

55.Тизза қопқоғи суягининг хусусий боғлами узилганида кузатилади.

- а.Суяк крепитацияси;
- б.Тизза қопқоғи пастга силжийди;
- в.тизза қопқоғи силжимайди;
- г.тизза қопқоғи юқори қисмида юмшоқ тўқималар чукурлиги хосил бўлади;
- д.Тизза қопқоғи юқорига силжийди;

56.Умуртқа лар синишига гумон килинганда беморни транспортировка қилиш.

- а.қаттик замбилда ётган ҳолатда;
- б. юмшоқ замбилда;
- в.ўтирган ҳолатда;
- г.ўз оёғида юрган ҳолатда;
- д. ҳеч нарса қилинмайди.

57.Чаноқ сүяклар синишида транспортировка қилиш.

- а.Үтирган ҳолатда;
- б. қорнига ётган ҳолатда;
- в.Волкович ҳолатида;
- г.Ўз оёғига босган ҳолатда;
- д.Холатининг аҳам ияти йўқ;

58.Сирка косаси силжимаган синишида қўлланилади:

- а.Тана тортмаси;
- б.Операция қилинади;
- в.Коксит гипс боғлами қўйилади;
- г.Травма пунктига юборилади;
- д.Даволанмайди;

59.Чаноқ сүяклари синишига гумон килинганда текшириладиган белгилар:

- а.Вернея, Ларрея белгилари;
- б.Тредециенбург белгиси;
- в.Байков белгиси;
- г.Бабинский белгиси;
- д.Чаклин белгиси.

60.Бўйин умуртқа лари синишига гумон қилинганда транспортировка қилиш:

- а.каттик замбилда ётиб кала ёнбошга қаратилган ҳолатда;
- б.Умуртқа погонаси иммоблизация қилинмай ўтирган ҳолатда;
- в.Каттик замбилда умуртқа погонаси бўйин қисми ва бошни иммоблизацияси ҳолатида;
- г.ярим ўтирган ҳолатда;
- д.Юрган ҳолатда.

61.Сон суяги бүйинчаси синигида қўлланиладиган гипс боғлами.

- а.Торокобронхиал;
- б.Тутор;
- в.Гипсли этикча;
- г.Коксит боғлами;
- д.Куйилмайди;

62.Очиқ пневмотораксда қўлланиладиган боглаш.

- а. Асептик боғлам;.
- б.Гипсли боғлам;
- в.Оклюзион боғлам;
- г.қўйилмайди;
- д.Эзид турувчи боғлам;

63.Узун пайсимон суяклар очиқ синишида қўлланиладиган рационал усул.

- а.Интрамедиал остеосинтез;
- б.Экстрамедиал остеосинтез;
- в.Илизаров усули;.
- г.БИОС;
- д.гипс боғлами.

64.Елка суяги диафиз қисми синигида қўлланиладиган рационал остеосинтез:

- а. БИОС;
- б.ЦИТО штифти билан;
- в.Пластина билан экстрамедуляр остеосинтез;
- г.Спица билан перкутан остеосинтез;
- д. Илизаров усули.

65.Сон сүяги чиқишида қўлланиладиган усул:

- а.Мотта усули;
- б.Джелидзе усули;
- в.Чаклин усули;
- г.Гиппократ усули;
- д.Уотсон –Джонс;

66.Легг-Кольве –Пертес ксаллиги:

- а.Кўкрак умуртқалари апофизи хондропатияси;
- б.Оёқ панжаси кафт сүяклари остеохондропатияси;
- в.Қайиқсимон сүяк остеохондропатияси;
- г.Сон сүяги бошчаси ва бўйинчасини остеохондропатияси;
- д.Нўхатсимон сүяк хондропатияси;

67.Остеохондрозда процесс бошланади:

- а.Умуртқа танасида;
- б.Умуртқалараро дискда;
- в.Белнинг узун мушакларида;
- г.Умуртқалар бўғим усимталарида;
- д.Умуртқалар ёйида;

68.Hallux Valgus.

- а.Оёқ II кафт бармоқ бўғим деформацияси;
- б.Оёқ кафти I бармоқ вальгус деформацияси;
- в.Оёқ панжалари вальгус деформацияси;
- г.I бармоқни варус деформацияси;
- д. I бармоқни болгасимон деформацияси;

69.Түгма мускүл – бўйин кийшиқлигида патологик процесс бўлади:

а.m.Sternoclidomestaideus;

б. m.Serratus;

в.м. Platisma;

г.Бўйин умуртқаларида;

д.м. omohioideus.

70. Түгма сон чиқишида кузатилмайдиган белги:

а.сон соҳаси тери бурмалар ассиметрияси;

б.Сонли керилишнинг чекланиши;

в.Оёқ кафтининг ташқарига ротацияси;

г.Треденленбург белгиси;

д.Махаллий ҳароратнинг баландлиги.

71 Оёқ маймоклиги касаллигига хос эмас:

а.Оёқ кафти аддукцияси;

б.Эквинус ҳолати;

в.Супинация ҳолати;

г.Бармоқларнинг вальгус ҳолати;

д.Катта болаларда оёқ кафтида юмшок ҳалтапча бўлиши (натоптиш);

72.Синдактилия.

а.юмшок мускүллари ва пайларининг чандиқланиши.

б.Қўл кафти бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолиши.

в.Бармоқларнинг йўқлиги;

г.Бармоқларнинг калталаги;

д.Бармоқларда ҳаракатларнинг йўқлиги.

73. Елка суяги проксимал қисмининг бўғимдан ташқари синишларига киради.

- а. дўмбоқчаларо синган ва хирургик бўйинча синиши
- б.елка бошчаси ва катта дўмбоқча
- в. анатомик бўйинча ва дўмбоқчалар
- г.анатомик ва хирургик бўйинча, кичик дўмбоқча
- д.хирургик бўйинча, елка бошчаси, дўмбоқчалар.

74.Билак сугининг типик жойидан синишини кўрсатинг.

- а. Коллес синиши
- б. Галеацци жароҳати
- в. проксимал эпиметафизнинг
- г.бошасининг синиши
- д. бўйинчасининг синиши

75.Билак суякларининг синишлари ичида кўп учрайди.:

- а билак суяги дистал қисм ининг синиши;
- б. билак суяги диафизининг синиши;
- в. тирсак суяги диафизининг синиши;
- г.билак суяги проксимал қисмининг синиши;
- д. Билак суяги бошчасини синиши;

76.«Ҳаракатchan қути» симптоми учрайди:

- а. крестсимон бойламлар шикастланганда;
- б. ён бойламлар шикастланганда;
- в. менисклар шикастланганда;
- г. болдир суяги чиқишида;
- д. тизза гемартрозида.

77. Тирсак бўғими нечта бўғимдан тузилган:

- а. 3та;
- б. 1та;
- в. 2та;
- г. 4та;
- д. 5та;

78. «Ҳаракатчан қути» симптоми учрайди:

- а. тизза бўғими жароҳатларида;
- б. Чаноқ- сон бўғими жароҳатларида;
- в. билак -кафт бўғими жароҳатларида;
- г. Болдир- ошиқ бўғими жароҳатларида;
- д. Лисфранк бўғими жароҳатларида.

79. Галеацци жароҳатига қўйидагилардан қайси бири киради:

- а. билак суяги диафизининг синиши ва тирсак суяги бошчасининг чиқиши
- б. билак суякларининг синиши
- в. тирсак ўсигининг синиши ва билак суяги бошчасининг чиқиши
- г. тирсак суяги диафизининг синиши ва билак суяги бошчасининг чиқиши

80. Комбинациялашган жароҳат деб аталади:

- а. ҳар хил ташқи факторлар таъсирида олинган жароҳат;
- б. 2 та сегментнинг жароҳати;
- в. 2та қўл ёки оёқнинг жароҳати;
- г. ҳар хил аъзолар системасининг жароҳати;
- д. 2 та анатомо-функционал соҳанинг жароҳати.

81.Болаларда кўп синадиган соҳа:

- а.елка суягининг дистал қисми;
- б.сон суягининг бўйинчаси;
- в.елка суягининг проксимал қисми;
- г.сон суягининг диафизи;
- д.болдир сүяклари соҳаси.

82.Болаларга хос бўлган синишлар:

- а. эпифизиолиз, остеоэпифизиолиз, пўстлоқости синиши;
- б.сон сүякларининг синиши;
- в.очиқ синишлар;
- г. патологик синишлар;
- д.елка суяги синишлари.

83.Фолькман контрактураси юзага келади:

- а. артериал қон айланишнинг узок ва салмокли, лекин тўлиқ булмаган бузилишида;
- б. елка чигали шикастланганида;
- в.қон айланиши бир неча дакикага қисқа, лекин тўлиқ тухтаганда;
- г.елка суяги икки жойидан синганида;
- д.веноз қон ўтиши бузилганда;

84.Болаларда ишемик Фолькман контрактураси кўпроқ кузатилади:

- а. елка суягининг дўмбоқчаларо ва дўмбоқчалар устидан синишларида;
- б.елка диафизининг синишларида;
- в.тепачалар ва ғалтакнинг синишларида;
- г. билак сүяклари синганда;
- д.билак сүяклари чиқсанда;

85.Дистракцион эпифизиолизни ким таклиф килган:

- а. Г. А. Илизаров;
- б. П. В. Завялов;
- в. А.Ф.Краснов.;
- г. А. В. Каплан;
- д. М. В. Волков;

86.Оёқ ва қўлларни ёпик усулда узайтириш:

- а. дистракцион эпифизиолиз;
- б. редрессация;
- в. тортиш;
- г. дистракцион метаэпифизиолиз;
- д. сужкин пластик узайтириш.

87.Чаноқ суяги ҳалка бузилиши билан бўладиган синиш.

- а. 1 томонлама қов ва ўтиргич суяги синиши;
- б. 2 томонлама қов суяги синиши;
- в.1 томонлама қов суяги синиши;
- г.ёнбош суяги қиррасидан синиши;
- д.Сирка косаси чуқурчасининг синиши.

88.Умуртқа поғонасининг бўйин қисмида кўп учрайдиган шикастланиш тури:

- а. синиш-чиқиши;
- б.чиқишлиар;
- в. ёй ва танасининг чиқиши;
- г.кундаланг усик синиши;
- д.орқа усик синиши;

89.Рувилуа-Грегуара синамаси қачон қўлланилади:

- а. гемотораксда;
- б. Пневмотораксда;
- в.клапанли пневмотораксда;
- г.пиопневмотораксда;
- д.лимфатораксда.

90.Кўп сонли қовургалар шикастида қўлланиладиган оғриқсизлантириш усули:

- а. Вишневский усулида;
- б.қовургалараро усулида;
- в. Школьников усулида;
- г.Пирогов усулида;
- д.тўғри жавоб берилмаган.

91.Кохер бўйича елкани тўғрилаш:

- а. 4 этапда;
- б.5 этапда ;
- в.2 этапда;
- г. 3 этапда;
- д.1 этапда .

92 Суяк синиқларида анатомик бутунликни тиклаш керак:

- а.кўл суяклари синишида;
- б. оёқ суяклари синишида;
- в. Бўғим ичи синиқларида;
- г. ҳамма ичи синиқларида;
- д. Шарт эмас..

93. Блокловчи интрамедуляр остеосинтез сүякни ўқи бўйича фаоллаштиришни таъминлайди:

- а. қисқа вақт ичида;
- б. пластина билан остеосинтез қилингандек вақт ичида;
- в. узоқ вақтда;
- г. Таъминлайи;
- д. Секинлаштиради.

94. Елка суяги синигида қўйиладиган гипс боғлами.

- а. Тупор;
- б. Корсет;
- в. Коксит;
- г. Торокобронхиал;
- д. Этикча;

95. Билак суягининг типик жойдан синиши:

- а. Проксимал эпифизида;
- б. Проксимал эпиметафиз;
- в. Диафиз;
- г. Билак суягини ҳамма синиши;
- д. Дистал эпиметафиз;

96. Тирсак суягини синиб, билак суяги бошчасини чиқиши.

- а. Монтеджа синиши;
- б. Смит;
- в. Коллис;
- г. Галиации;
- д. Термометр.

97. Билак суяги синиб, тирсак суяги бошчасини чиқиши:

- а. Смит синифи;
- б. Галиации;
- в. Коллис;
- г. Монтеджа;
- д. Беннет;

98. Беннет синифи:

- а. I бармоқ ўрта фаланчаси II, III;
- б. II кафт суяги;
- в. III Бармоқ фаланчаси;
- г. II бармоқ тирноқ фаланчаси;
- д. I кант суяги проксимал қисмини латериал қирғоғи;

99. Ўмров суяги диафиз қисмидә синишда маркзий сүяк парчасининг типик силжиши.

- а. ташқарига;
- б. пастга ва олдинга;
- в. Ротация;
- г. тепага ва орқага;
- д. силжимайди.

100. Катта болдирик суяги ички бўғим дўнглиги эзилиб синишида кузатиладиган шакл бузилши:

- а. Вальгус;
- б. Варус;
- в. Бўкилиш ҳолати;
- г. Ёзилиб қолиш ҳолати;
- д. Оёқда ўқ чизиги ўзгаришида.

### **3.3. Амалий күнікмалар**

#### **Травматология ва ортопедия фанини ўқитиши режасига асосан тиббиёт институти IV – курс талабалари бажариши лозим бўлган амалий күнікмалар руйхати**

1. Таянч – ҳаракат касалликлари ва шкастланиши бор беморларни текширишни билиш.
2. Клиник белгиларига қараб беморларда синиш ва чиқиши аниқлаш.
3. Кўп учрайдиган (туғма сон чиқиши, маймоқ оёқ, бўйин қийшиглиги, синдактилия) ортопедик касалликларни аниқлашни.
4. Найсимон суюклар диафиз қисмини синишлари анеестезиясини амалга ошириш.
5. Суюклар очиқ синишида қон кетишини вақтинчалик тўхтатиш (жгут қўйиш, лигатуралаш, қисқичдан фойдаланиш, сиқиб турувчи боғлам).
6. Таянч – ҳаракат тизими шикасланганда гипс боғламларини қўйиш.
7. Гипс боғлами қўйилган қўл ва оёқни ҳолатини баҳолаш.
8. Беморни ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда гипс боғламини олиб ташлаш.
9. Чаноқ умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси ва катта қон томирлари шикасланганда физиологик ҳолат яратиш.
10. Қўл ва оёқ шикастланиб тана тортмаси ўрнатилганда физиологик ҳолат яратиш.
11. Тана тортмасини олиш.
12. Политравма билан шикасланган bemorni текшириш.
13. Таянч-ҳаракати шикасланган ва ортопедик касалларда даволаш вақти ва прогнозини билиш.
14. Қобирғалар шикасланганда анеестезия усули.
15. Чаноқ шикасланганда Школьников – Селиванов усулидаги блокада қилиш.
16. Қўл ва оёқ чиқишлиарида, чиқиши жойига солиши.
17. Жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишлови бериш.

18. Гипс боғламларини қўйиш.
19. Тана тортмасини ўрнатиш.
20. Гипс боғлами қўйилган ва тана тортмаси қўйилган беморда сужек парчалари туришини баҳолаш ва коррекция қилиш.
21. Узоқ эзилиш синдромида тиббий ёрдам ва даволашни амалга ошириш.
22. Клиник ва рентгенологик белгиларга қараб синиқни битиш ҳолатига баҳо бериш.
23. Синикнинг битмаганлиги ва ёлғон бўғим хосил бўлганлигини аниқлаш.

### **3.4. Назорат саволлари**

1. Суяклар синишини ҳам мабоп таснифи (A.O./ASIF)
2. Травматология ва ортопедияда текшириш усуллари.
3. Ташхислаш кетма-кетлиги.
4. Ноинвазив текшириш усуллари.
5. Инвазив текшириш усуллари.
6. Нурли ташхислаш.
7. Рентгенографияга қўйиладиган талаблар.
8. Рентгенографияни ўқиш тартиби.
9. Бўғимлардаги ҳаракат амплитудасини ўлчаш.
- 10.Фистулография.
- 11.Суяк синифининг абсолют белгилари.
- 12.Суяк синифининг нисбий белгилари.
- 13.Суяк тўқимасининг физиологик регенерацияси.
- 14.Суяк тўқимасининг реператив регенерацияси.
- 15.Суяк регенерациясига таъсир килувчи умумий омиллар.
- 16.Суяк регенерациясини таъминновга маҳаллий омиллар.
- 17.Суяк тўқимаси регенерациясининг гистологик фазалари.
- 18.Суяк тўқимаси регенерациясининг клиник фазалари.
- 19.Суяк тўқимаси регенерациясинг бузилиши вариантлари.
- 20.Суяклар регенерациясини стимуляция қилиш.
- 21.Суяк бўлакларини репозицияси.
- 22.Қўл билан репозиция қилиш.
- 23.Тана тортмаси.
- 24.Мосламалар билан репозиция қилиш.
- 25.Очиқ усулдаги репозиция.
- 26.Гипс. Гипс боғламлари.
- 27.Гипс боғламиининг қўйиши.
- 28.Гипс боғламиини асоратлари.
- 29.Гипс боғлами турлари.
- 30.Гипс кукунини сифатини текшириш синамалари.
- 31.Тана тортмаси учун юкни оғирлигини аниқлаш.
- 32.Компрессион дистракцион остеосинтез.
- 33.Остеосинтез.
- 34.Экстрамедуллар остеосинтез.
- 35.БИОС.
- 36.Интрамедуляр остеосинтез .
- 37.Экстрамедуляр остеосинтез.
- 38.Шкастланиш остеомиелит.

- 39.Фистулосеквестрнекро эктомия.
- 40.Галиация синифи.
- 41.Монтеджа.
- 42.Беннет синифи.
- 43.Коллес синифи.
- 44.Смит синифи.
- 45.Дюпюитрен синифи.
- 46.Гемоартроз.
- 47.Сон суяги бўйинчасининг медиал синиқлари.
- 48.Сон суяги бўйинчасининг латериал синиқлари.
- 49.Йирик бўғимларни эндопротезлаш.
- 50.Суяк пластикаси .
- 51.Туғма сон суяги чиқишининг ташхислаш.
- 52.Туғма сон чиқишининг чақалоқлардаги белгилари.
- 53.Маймок оёқнинг клиник белгилар
- 54.Туғма бўйин қийшиқлиги.

**ШИКАСТЛАНГАН БЕМОРГА КАСАЛЛИК ТАРИХИ ЁЗИШ  
НАМУНАСИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

Травматология, ортопедия, нейрохирургия, ХДЖ ва талофатлар  
тиббиёти кафедраси

Бемор: Ф.И.О.\_\_\_\_\_

Талаба: курс, факўльтет грухи Ф.И.О\_\_\_\_\_

Куратор:\_\_\_\_\_

Андижон

Беморнинг фамилияси, исми, шарифи.

- касалхонага келган вақти ва куни.
- ёши.
- Яшаш манзили.
- Иш жойи.
- Вазифаси.
- Касби.

Клиник ташхис:

- асосий.
- асорати.
- йўлдош касалликлари.

Курация қилувчининг

- фамилияси, исми.
- факультети
- гурухи
- ўқитувчининг фамилияси, исми.
- курация вақти.
- Клиник база.

2. Беморнинг дастлабки шикоятлари (оғриқ, унинг ҳарактери, иррадиацияси, бўғимлардаги ҳаракатлар чекланиши).

3. Касаллик анамнези (Anamnesis morbi)

- шикастланиш ҳолати, вақти, жойи, иш фаолияти билан боғлиқлиги, сабаби.
- шикастланиш механизми (шикастловчи кучни шикастланган анатомик соҳага таъсирининг мукаммал изоҳи)
- Беморнинг шикастланишдан кейинги ҳолати (оёғига босиб ўзи юрган, бўғимлардаги ҳаракатлар ҳолати, оғриқ ҳарактери, локализацияси, қон кетиши, хуш кетиши, кўнгил айнши, кайт қилиши).
- Биринчи ёрдам қаерда кўрсатилган ва нималардан иборат бўлган .

- касалхонага келгунга қадар қаерда ва қандай даволаш ишлари амалга оширилган.

#### 4. Ҳаёт анамнези (Anamnesis vitae).

- каерда туғилган, жисмоний ва интелуктуал ривожланиши, мактаб ёшида ривожланиши, меҳнат фаолиятининг бошланиши, касби ва унинг эътиборли томонлари.

-ҳаётида кечирган касалликлар.

- оиласвий ҳолати.

- яшайдиган жойи.

- ирсияти, ёмон одатлари.

#### 5. Объектив текшириш: (Status praesens) .

- Умумий ҳолати, терисини ранги, Ҳуши, чойшабдаги ҳолати.

конституцияси.

- Организм тизимлари ҳолати (нафас олиш, юрак-қон томир, сийдик ажрабчиқиши, нерв системаси ҳолати, эндокрин тизими)

#### 6. Шикастланган жой ҳолати (Status localis).

- қўрик (шикастланган соҳа ҳолати, тери ҳолати, шакл бузилишлар).

- пальпация ( тери ҳарорти, маҳаллий ёки таркалувчи оғриқнинг борлиги, суяқ парчалари ёки суяқ кадофини сезилиши).

- қўл ва оёқни узунлигини, айланма диаметрини ўлчаш, ўқ чизигини аниқлаш, ўқи бўйича юклама бериш, оғриқни иррадиацияси, шикастланган жойда патологик ҳаракатнинг борлигини, тери сезгирилигини, қон томирлар пульсацияси, оёқ ва қўл кафтининг ҳарактерли ҳолати (нерв столлари шкастланиш белгиси), регионал лимфатик тугунлар.

- Бўғимлардаги актив ва пассив ҳаракатлар, уларни градусларда ифодалаш.

-Дастлабки ташхис.

#### 7. Қўшишга текшириш усуллари:

- қон, сийдик таҳлили, рентгнеологик текширишлар.

#### 8. Клиник ташхис: асосий ҳамроҳ.

Асосий ташхисни асослаш.

9. Навбатдаги текшириш ва даволаш режаси (контрол ренгенорграфия, консультациялар, репозиция, иммобилизация, тана тортмаси ёки операция).
10. Кундалик (вақти, беморнинг ҳолати, тавсия қилинган даволаш муолажалари).
11. Эпикриз.
  - Фамилияси, исми, шарифи (касалхонада бўлган вақти).
  - ташхис: асосий, асорати, ҳамроҳ касалликлар.
  - даволаш (дори воситалари).
  - қўзатув давридаги натижалар диагностикаси (рентген тасвиридаги динамика).
  - Беморнинг ҳозирги пайитдаги ҳолати (умумий ҳолати ва маҳаллий ҳолат).
  - Келажакдаги даволаш режаси (касалхонада, амбулаторияда).
  - Ҳаёт прогнози, функцияси, профессияси.
12. Қўлланилган адабиётлар рўйхати. (саҳифаси).
13. Куратор имзоси.

### **Ташрихдан аввалги эпикриз режаси.**

1. Ташхис мотивацияси.
2. Ташрихга кўрсатма.
3. Ташрихга карши кўрсатма.
4. Беморнинг ва оила аъзоларини ташрихга розилиги.
5. Ташрих режаси, оғриқсизлантириш усули.
6. Ташрих бригадаси.

#### **IV. ХУЛОСА**

Олий таълим тизимида педагогик жараённи ташкил этишда талаба ва педагог муносабатига эътибор кўрсатиш зарурияти жараёнга янгича ёндошувни талаб этиб бормокда. Янгича ёндошувнинг моҳияти педагогик технология моҳияти билан мазмунан бирликни ташкил этади. Шунинг учун педагог-дидактикачилар тамонидан олий таълим муассасаларида ўқитишининг ижтимоий-педагогик қонуниятлари ўрганлиб, асосан ёндошувни талаб этади. Интерфаол методлар – талабаларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида талаба бўлиб, бу методлар қўлланилганда таълим беурвчи талабани фаол иштирок этишга чорлайди. Талаба бутун жараён давомида иштирок этади. Талаба марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жихатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорирок бўлган ўқиши-ўрганиш ;
- талабанинг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини талабанинг эҳтиёжига мувофикаштирилиши;
- талабанинг ташаббускорлиги ва маъсулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Травматология ва ортопедия фанини ўқитиши жараёнида интерфаол методларни қўллаш юқори даражадаги натижадорлигига гумон йўқ, зеро бу усул педагог ва талабадан юксак даражадаги фаолликни талаб қиласди.

Ўкув-тарбия жараёнларини илмий ва методик жихатдан мукаммал ташкил этиш муваффакиятлар гаровидир. Бунда барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашига, ижодий меҳнат қилишига, ҳар томонлама фикр юритишига, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асоланиб ҳал этишга ўртагади. Ўқитишининг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, улар қандай қўринища (аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув-тарбия тадбирлари, маъруза ёки амалий машғулотлар) ташкил этилишидан катъий назар, илмий-назарий,

илмий-методик ва маърифий-маънавий жихатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак педагогик самарини бериши мумкин.

Таълим тизимида илғор замонавий педагогик технологияларни қўллаб, жаҳон андозалари даражасида билим бериш, талабаларни дунё қарашини кенгайтириш ва мустақил фикрлаш қобилятини оширишга хизмат қилмоғи даркор.

Замонавий педагогик технологияларн ўқитиш жараёнига тадбий этиб. Талабани назарий маълумотини амалий машғулотларда қўллаш ни ўргатиб, ортирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда беморларни ташхислаш ва ёрдам кўrsatiш кўникмасини ўзлаштиришга замин яратиб беради.

Педагог фаолиятининг креативлиги талаба учун мотивацион йўналиш асоси бўлиб мутахассис тайёрлашнинг драйвери ҳисобланади.

Шу ҳисобда талаба фаоллиги оширишга қаратилган ҳаракатлар тизими белгиланган натижага эришининг мақсадли асоси бўлиб хизмат қиласи интерактив фаолияти хилма-хиллигини вазиятидан келиб чиққан ҳолда натижага йўналтирилган бўлмоғи даркор. Бу ҳолатлар баркамол авлодни тарбиялаш асоси бўлиб хизмат қиласи.

## **V.АДАБИЁТЛАР**

### **I.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари**

1. «Тиббиёт ва фармоцевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». №ПҚ-4310. 6.V.2019й.
2. Ш.М.Мирзиёев. Аҳолига курсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш, чора-тадбирлари тўғрисида 26.VII.2021й. “Янги Ўзбекистон” газетаси № 150 (406 ). 27.VII.йил.

## **II.Асосий адабиётлар.**

1. Абдуллаева Х.А., Тўхтасинова Д.С. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва расмийлаштириш. Токшент. 2012 йил.
2. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
3. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2004.
4. Тешаев О.Р., Азизова Ф.Х., Зайцнва О.А. Ягона методик тизим бўйича амалий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланма тузишга оид тавсиялар. Тошкент. 2007 йил.
5. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикӣ асослари. - Т.: 2006.
6. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2015.
7. Йулдошева С., Интерфаол усуllар. Тошкент ЎзМУ. ОПК 2008 йил

## **III. Қўшимча адабиётлар**

1. Г.М.Кавалерский, А.В.Гаркави. Травматология и ортопедия. Учебник. - Москва. Издательский центр «Академия». 2013 г.

2. А.В. Каплан. Повреждения костей и суставов. Монография – Москва «Книга по Требованию». 2012 г.
3. Н.В.Корнилов, Грязнухин Э.Г. Травматология и ортопедия. Руководство в 4 томах. Санкт-Петербург. Издательство «Гиппократ». 2008 г.
4. А.А.Герасимов. Руководство к практическим занятиям по травматологии-ортопедии. Екатеринбург. ГОУ ВПО УГМА Росздрава, 2008 г.
5. Г.П.Котельников, С.П Миронов. Травматология. Национальное руководство. Москва. ГЭОТАР-Медиа, 2008 г.
6. К.Букуп. Клиническое исследование костей, суставов и мышц. – Москва. Медицинская литература, 2007 г.
7. Г.П.Котельников, С.П Миронов. Травматология и ортопедия. Учебник. Москва. ГЭОТАР-Медиа. 2006 г.
8. Анкин Л.Н. Анкин НЛ. Практическая травматология. Европейские стандарты диагностики и лечения. Москва. Книга плюс. 2002 г.
9. Г.Д.Никитин, А.В.Рак, С.А.Линник. Хирургические лечение остеомиелита. – Монография. Москва. Медицина, 2000 г.
10. А.А.Пушков. Сочетанная травма. Учебник. Ростов-на-Дону: Издательство «Феникс», 1998 г.
- 11.А.Ф. Краснов., В.М.Аршин. Травматология. Справочник. Ростов-на-Дону: Издательство «Феникс», 1998 г.
- 12.А.И. Ашkenази Хирургия кистевого сустава. – Руководство. Москва. Издательство «Медицина», 1990 г.
- 13.Волков М.В. Болезни костей у детей. – Монография. Москва. Медицина, 1985 г.
- 14.И.А.Мовшович Оперативная ортопедия. – Руководство для врачей. Москва. Медицина. 1983 г.
- 15.Г.Д.Никитин, Э.Г.Грязнухин. Множественные и сочетанные переломы костей. – Монография. Ленинград. Медицина. 1983 г.
- 16.А.Ф. Краснов, В.Ф.Мирошниченко. Амбулаторная травматология. Учебное пособие. Куйбышев. КГМИ. 1983 г.

17. В.В.Лебедев, В.П.Охотский, Н.Н.Каншин. Неотложная помощь при сочетанных травматических повреждениях. – Руководство. Москва. Медицина. 1980 г.
18. К.А.Құлдашев, М.М.Мадазимов, К.Т.Худайбердиев. «Новые аспекты хирургического лечения сочетанных черепно-мозговых травм в остром периоде» Lap Lambert Academic Publishing 2019
19. К.Т.Худайбердиев, Б.С.Мамажонов, А.А.Кадиров «Особенности хирургического лечения поясничного остеохондроза у больных пожилого возраста» Тошкент 2020.
20. Э.С.Джумабаев, Ж.Т.Тұхтаев. “Огнестрельная тrama конечностей в чрезвқчайнқұ сиуатиях” Андижан 2017.
21. М.Р.Мамадиев, Ж.Т.Тұхтаев “Биологик атамаларнинг русча-ўзбекча-инглизча изоҳли луғат”. Андижон 2020.




#### **Интернет сайтлар:**

1. [www: travma.ru,](http://www.travma.ru)
2. [www.histol chuvashia.com.; donhist. fromru.com.; medmir.ru;](http://www.histol.chuvashia.com.; donhist.fromru.com.; medmir.ru;)
3. [www.molbiol.ru;](http://www.molbiol.ru;)
4. [www.pediatrica.ru; sdo.psu.edu.ru; histology narod.ru;  
http://medic.med.uth.tmc.edu/Lecture/Main/Griff5.htm;](http://www.pediatrica.ru; sdo.psu.edu.ru; histology narod.ru; http://medic.med.uth.tmc.edu/Lecture/Main/Griff5.htm;)


# ИЛОВА




**Амалий құникмалар  
тасвири**




Күл ва оёқнинг узунлигини қиёсий таққослаш




Кўлнинг ўқ чизиги





## Оёқнинг ўқ чизиги




Күл ва оёқнинг узунлигини ўлчаш.




**Бүгимлардаги харакаттар амплитудасини ўлчаш**




## Радио-ульнар бурчак



## Ошиқ – товон бурчаги



Гипс боғлам турлари




а





б






## Торокоброхиал гипс боғлами




## Сон суюги синиғида транспорт ва даволаш имобилизацияси




**Суяк репозицияси**






## Суяк репозицияси ва иммобилизация




Тана тортмаси учун спица үтказиладиган нұқталар.





Тана тортмаси





**Тана тортмаси**




**Новокаинли блокада қилиш усуллари.**




Бұғимларни пункция қилиш техникасы




**Кобурғалараро новокайн блокадаси ва дренаж қўйиш.**






## Люмбал пункция




Билакнинг чиқишини тўғрилаш.




Елкани чиқиши.






Елка чиқишини түғрилаш усуллари.




**Соннинг чиқишини турлари.**



Соннинг чиқишини Джанилидзе ва Кохер усулида тўғрилаш.



**Илизаров усулида сүякни чўзиш**



## Соннинг түғма чиқишини диагностикаси



